

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АВАЗЖОН ЗИЯЕВ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎЗ МАЪНОЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ
КОГНИТИВ ТАЛҚИНИ

Услубий қўлланма

ФАРГОНА 2011 йил

Лингвистика (инглиз тилшунослиги) йўналиши бўйича магистрантлар ва илмий тадқиқотчилар учун қўлланма

Масъул муҳаррир: О.Муминов Филология фанлари номзоди, профессор

Такризчилар: С.Рахимов, Филология фанлари доктори, профессор

О.Охунов

Филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур қўлланма Қўқон давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2011 йил январ ойидаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

Кириш -----	1
I қисм. Тилшуносликда сўз маъноси интенсивлиги муаммосининг ўрганилиши	
1. Сўз маъноси интенсивлигининг тадқиқ этилиши -----	2
2. Интенсивлик ва экспрессивлик -----	9
3. Интенсивлик ва эмоционаллик -----	10
1. Интенсивлик ва баҳолаш -----	11
2. Интенсивлик ва таъкидлаш -----	12
3. Интенсивликнинг турли сатхларда ифодаланиши -----	13
II қисм. Интенсивлик ифодаловчи сўзларнинг когнитив таҳлили-----	30
1. Когнитив тилшунослик ва концепт-----	30
2. Beauty-ugliness ва joy-suffering коцептларини ифодаловчи сўзларнинг компонент таҳлили -----	34
3. Beauty-ugliness ва joy-suffering коцептларини ифодаловчи сўзларнинг интенсификаторлари -----	47
III қисм. Интенсивликнинг семантик хусусиятлари-----	55
1 .Интенсивлик категорияси ва дунёни билиш -----	55
2.Сўз маъноси интенсивлиги ва лингвокультурология -----	58
3 .Интенсивликнинг миллий-маданий хусусиятлари -----	61
Хулоса -----	70

КИРИШ

Анъанавий тилшунослик тил системаси ва у билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга катта эътибор берди ва бу йўналишда катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги давр тилшунослигида эса тил билан боғланишда бўлган ҳодисалар ва омилларга, хусусан, тил ва сўзловчи (тингловчи), тил ва коммуникация жараёни (муҳит, омиллар), тил ва мантиқ, тил ва оламни билиш, тил ва маданият каби муносабатларни ҳам жиддий тадқиқ этишга киришилмоқда. Бунга тилшуносликнинг когнитив, лингвокультурология йўналишлари мисол бўла олади.

Когнитив тилшуносликнинг асосий мақсадларидан бири турли яшаш муҳитига, турмуш тарзига, интеллектуал салоҳиятига, дунёқарашига эга бўлган халқларнинг оламни ўзларига хос ва мос тарзда билишлари (кўришлари), улар билан боғлиқ тушунчалар, ушбу тушунчаларнинг қай йўсинларда луғавий бирликлар маъноларини шакллантираётганликлари масалаларини тадқиқ этишдан иборатдир. Ушбу тилшуносликнинг таянч тушунчаси ҳозирги даврда тилшунослар ўртасида катта баҳсларга сабаб бўлаётган концептдир. Унда билиш назарияси, психология, мантиқ ва тилшунослик фанларининг узвий боғлиқлиги ва ҳамкорлиги ўз аксини топган.

Лингвокультурология когнитив лингвистика билан узвий боғлиқ бўлиб, унда ҳам концепт тушунчаси устувор аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда тил - инсон - маданият триадаси, маданият ва тилнинг ўзаро таъсири масалалари ўрганилади.

Анъанавий тилшуносликда сўз маъносининг кучайиши ёки интенсификация ҳодисаси асосан тил ва нутқ воситалари, қисман эса экстралингвистик омиллар билан изоҳланиб келинди. Ҳозирги даврда эса мазкур муаммо когнитив тилшунослик ва лингвокультурологияда ҳам махсус тадқиқ этилмоқда.

Ушбу илмий-услубий қўлланмадан асосий мақсад сўз маъноси интенсивлигининг (кучайишининг) назарий масалалари ҳақида атрофлича маълумот бериш ва уларни умумлаштириш, интенсивлик ифодаловчи сўзларнинг когнитив, лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида баҳс юритиш ҳамда булардан инглиз тили таълимида қандай фойдаланишга ундашдир.

Мазкур илмий-услубий қўлланма юқори босқич бакалавр, магистрлар, инглиз тили фани ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилар учун мўлжалланган. Ундан олий таълимда талаба танлови ва мустақил таълим фанлари сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

I қисм

ТИЛШУНОСЛИКДА СЎЗ МАЪНОСИ ИНТЕНСИВЛИГИ МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Режа:

1. Тилшуносликда "интенсивлик" тушунчаси.
2. Интенсивлик ва экспрессивлик.
3. Интенсивлик ва эмоционаллик.
4. Интенсивлик ва баҳолаш.
5. Интенсивлик ва таъкидлаш.
6. Интенсивликнинг турли сатҳларда намоён бўлиши.

Таянч сўз ва бирикмалар:

Интенсив, интенсификатор, интенсификат, экспрессивлик, эмоционаллик, образлилик, баҳолаш, таъкидлаш, интонация, логик урғу, квантитатив урғу, динамик урғу, префикс, суффикс, постпозитив, кучайтирувчи равишлар, квантор сўзлар, кучайтирувчи фразеологик бирликлар, сифат ва феълларнинг синонимик қатори, фразема, идиома, компаратив фразеологик бирликлар, қиёслаш, эпитет, метафора антономасия, гипербола, литота, такрор, полисиндентон, риторик сўроқ гап, градация, инверсия, параллелизм.

Интенсивлик категорияси масалалари қадимдан тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортган бўлса-да, бу муаммога қизиқиш том маънода XIX асрнинг 60-70 йилларида янада жонланди. Бунинг натижаси ўлароқ, тилшуносликда бир қанча ишлар юзага келди. Г.Кирхнер, Б.Чарлстон, С.Гринбаум, Д.Болинджер, Ш.Балли, А.В.Кунин, В.И.Шаховский, Л.Я.Герасимова, Е.Н.Сергеева, О.Ф.Шевченко, И.Г.Беручашвили, В.А.Мальцев, К.М.Суворина, Е.И.Шейгал, И.И.Туранский, Л.В.Воробьева, З.М.Зубко, Т.В.Штатская, М.Б.Мецлер, К.Т.Рсалтдинов, И.К.Калинина, А.Н.Полянский, В.В.Акуленко, В.П.Мусиенко, Т.А.Цой, А.Абдуллаев, М.Содиқова, О.Бозоров, Т.Н.Григоренко, И.И.Убин, Н.П.Трошкина, Г.Гаффорова, И.Я.Свинцицкий каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир. Аммо улар мазкур масала тадқиқига турли нуктаи назардан ёндашганлар.

А.В.Кунин интенсивлик ходисасини фразеология нуктаи назаридан ўрганган, зотан, кучли эмоция ифодаловчи ФБ лар кўп ҳолларда фикрни экспрессив ифодалайди ва, А.В.Куниннинг мулоҳазасига кўра, интенсификаторлар муайян сўз туркумларига алоқадор бўлади. Уларни 2 турга ажратиш мумкин: а) сифат ва равиш сўз туркумларига алоқадор интенсификаторлар: *as anything, as blazes, as hell, as the devil*. Масалан, *as*

hell бирикмаси сифат ва равиш сўз туркумларида кўп учрайдиган интенсификаторлар бўлиб, куйидаги сифатлар билан боғлиқликда қўлланади: *calm - worried; cold - hot; funny – serious, etc.* Масалан: - *How's he looking? - Oh! All right—quite calm. - Calm as hell.* б) феъл сўз туркумига алоқадор интенсификаторлар: *like a clock, like anything, like a lamplighter, like a Trojan, like billy-o, like blazes, like fun, like lightning, like mad, like sixty, like the devil and, etc.*

Муаллиф *like a lamplighter* интенсификаторининг истеъмолдан чиқаётганини, шунинг учун ҳам уларнинг фақат XIX аср адабиётларидагина учрашини қайд этади. Масалан: *Skim up the rigging like a lamplighter.*

А.В.Куниннинг таъкидлашича, *like hell* интенсификатори кўпинча *drive, feel, hurt, look, miss, run, work* каби феъллар билан ишлатилиб, ижобий ёки салбий маънони кучайтиришга хизмат қилади: 1) *I don't operate now and I feel like hell* 2) *Old bus, of course, but still goes like hell.* Биринчи мисолдаги *like hell* интенсификатори салбий маъно, иккинчи мисолда эса унинг ижобий маъно ифодаляётгани таъкидланади. Бундан ташқари, А.В.Кунин ушбу тадқиқотда *like a Trojan, as old boots, as all get-out, like lightning, like a horse on a fire, like nothing on earth* каби интенсификаторлар ҳақида ҳам ўз фикрини билдириб ўтади. Лекин тадқиқотда кўпроқ сифат ва феълнинг маъносини кучайтирувчи фразеологик интенсификаторлар ўрганилиб, бошқа сўз туркумлари ҳамда маъно кучайтирувчи компаратив фразеологик бирликларга эътибор қаратилмаган.

И.И.Туранский, Е.И.Шейгал, И.Г.Беручашвили каби олимлар ҳам интенсивликнинг турли кўринишларини тадқиқ қилганлар. И.И.Туранский тадқиқотида интенсивлик ҳодисаси кенг ёритилган ва бу иш инглиз тилидаги интенсивлик категориясининг мазмун ва ифода воситаларига бағишланган.

Мазкур тадқиқотда интенсивлик ва экспрессивлик категорияларининг ўзаро муносабатига ҳам эътибор қаратилган.

Интенсивлик категорияси кенг ўрганилган бўлса-да, интенсивликнинг ёндош ҳодисаларга (эмоционалик, баҳолаш, образлилик) муносабати ва бунда кучайтирувчи аффикслар чуқур таҳлил этилмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, тилшуносликда интенсивликнинг семантик компонентлик мақоми масаласи узоқ вақт мунозарали бўлиб келган. Е.И.Шейгалнинг тадқиқотида интенсивлик компонентининг семантик мақомини аниқлашга ҳаракат қилинган. Мазкур тадқиқотда лексик сатҳдаги интенсификаторлар алоҳида қатлам сифатида ажратилган. Ишда интенсивлик мақоми мустақил ономасиологик категория сифатида қаралган ва у миқдор, баҳолаш, эмпфаза ва экспрессивлик категорияларидан фарқланган. Муаллиф кучайтиришнинг турли даражаларини ифодаловчи учта семантик компонентни аниқлайди: 1) юқори даража (*very, much, greatly, deeply, highly*); 2) жуда юқори даража (*extremely, exceedingly, extraordinarily*); 3) абсолют даража (*utterly, completely, fully*). Е.И.Шейгал мураккаб ички интенсивларга куйидагиларни киритади: 1) эмоционал кучайтириш

(интенсивлик эмоционал баҳо билан мураккаблашади: *shockingly, astonishingly, abominably*); 2) тўлақонли кучайтириш (интенсивлик интеллектуал баҳо билан мураккаблашади: *too, over, excessively*). Е.И.Шейгалнинг тадқиқотида асосий эътибор интенсивлик ифодаловчи лексик бирликларга қаратилиб, мазкур ходисанинг фонетик, морфологик, синтактик, стилистик хусусиятларига эътибор берилмаган.

И.Г.Беручашвилининг тадқиқотида интенсивлик категориясининг лексик воситалар билан ифодаланишига эътибор қаратилади ва бунда интенсивлик категорияси “аниқловчи+аниқланмиш” типдаги модел бўйича ўрганилади. Айни пайтда таъкид маъносини ифодаловчи сўз бирикмаси таркибидаги аниқловчи интенсификатор вазифасини бажаради. Кучайтириш маъноси синтагманинг аниқловчи бўлаги семантикасида намоён бўлади. Интенсификатор билан белгининг кучайтирилиши ҳам миқдор, ҳам сифат томондан мазкур белгини образли қайта тушунишга олиб келади, яъни сифатдаги кучайтириш ўзида миқдорий томонни ҳам намоён этади. Масалан: *great speed – lightening speed; very beautiful – breathingly beautiful*. И.Г.Беручашвили диққатини асосан маъно кучайтирувчи интенсификаторларга қаратиб, мазкур ходисанинг турли сатҳларда намоён бўлиши, интенсивлик ифодаловчи стилистик троплар хусусида фикр билдирмаган.

Сўз маъносининг интенсивлиги бўйича қардош бўлмаган немис, рус, француз, испан, ўзбек, португал, озарбайжон тиллари материалида ҳам тадқиқот ишлари мавжуд. Масалан, буни сўз маъносининг интенсивлигини тадқиқ этиш жараёнида немис тилидаги интенсивлик даражасини реляцион макромайдон назарияси билан боғлаб ўрганган К.Г.Рсальтдинов тадқиқотларида кўриш мумкин. Бунда интенсивлик даражаси тушунча ифодаловчи категория сифатида қаралади. Бу категориянинг ифодаланиши тилнинг барча сатҳларидаги воситалар ёрдамида намоён бўлиши ва уларнинг ҳар бирида интенсивликнинг микромайдони шаклланиши таъкидланади.

Умуман олганда, мазкур тадқиқотда ҳозирги замон немис тилида, биринчидан, белгининг интенсивлик даражаси лисоний бирлик сифатида фақат грамматик сатҳда намоён бўлмаслиги ва, иккинчидан, мазкур бирликлар реляцион вазифа бажариш хусусиятига эга эканлиги таҳлил қилинади.

Т.В.Штатскаянинг таъкидлашича, француз тилида ҳаракат интенсивлиги категориясининг семантик структураси турли хил предмет ва тушунчалар худудини қамраб олади. Бу тушунчалар парадигмаларда ўз ифодасини топади, рационал руҳий жараёнларни, физик таъсир ва бошқа ходисаларни ифодалайди. Инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини ифодаловчи феъллар интенсивлик хусусиятига эга. Улар матнда ажабланиш, кўрқув, ғазаб, нафратланиш, завқланиш, қувонч ва бошқа маъноларни ифодалайди. Агар феъллар градацион жиҳатдан семантик қаторни ҳосил қилмаса, улардаги интенсивлик экспрессивлик, образлилик воситасида намоён бўлади. Мазкур

илмий изланиш фақатгина феъл сўз туркумидаги интенсификаторларнинг таҳлилига бағишланган бўлиб, бошқа сўз туркумлари хусусида ҳеч нарса дейилмаган.

М.Б.Мецлер ҳозирги замон француз тилидаги ҳаракат интенсивлигининг турли даражаларини тадқиқ этади. Албатта, бунда лексик-синтактик ва фразеологик воситаларнинг ўрни муҳим. Чунки француз тили аналитик типдаги тиллар гуруҳига киради.

М.Б.Мецлернинг тадқиқотида ҳозирги замон француз тилида ҳаракат интенсивлигининг ҳам юқори, ҳам кучсиз даражасини ифодаловчи **A + N → Det** типдаги турғун сўз бирикмалари таҳлил қилинади. Унинг таъкидлашича, интенсивлик даражасининг юқори макромайдони миқдор мақомига эга бўлиб, маълум моделнинг қўлланилиш частотаси ва сермахсулликка асосланади. Бу иккала омил ўзаро зич алоқадорликда намоён бўлади. Мазкур макромайдон ичида энг сермахсуллари қуйидаги моделлар саналади: **“a+plein+N”**, **“a+tout+N”**, **“a+grand+N”**, **“a+gross+N”**. Бу моделлар қўлланилиш даражаси юқори бўлган моделлар ҳисобланади, интенсивлик даражасининг кучсизлигини ифодаловчи “макромайдон”нинг миқдорий мақоми эса бошқачароқ шаклланади. М.Б.Мецлернинг ишида ҳам интенсивликнинг турли сатҳларда ифодаланиши, стилистик троплар хусусида фикр билдирилмаган.

В.П.Мусиенко ва Т.А.Цой интенсивлик ҳодисасини рус тили материали асосида тадқиқ этишган. В.П.Мусиенконинг ишида И.И.Мещаниновнинг тушунча категорияси ғояларига ва А.В.Бондарконинг функционал-семантик майдон назариясига асосланилган. Ишда, асосан, рус тилидаги **воз-, у-, по-, о-, с-, от-, -ся, за-, вы-, на-, об-, пере** каби аффиксларнинг интенсивликни ифодалаш хусусиятлари ўрганилган.

Т.А.Цойнинг тадқиқоти шуниси билан диққатга сазоворки, унда ҳозирги замон рус тилидаги ҳаракат интенсивлиги маъносини кучайтирувчи усуллар таҳлил этилган. Тадқиқотда асосий диққат қуйидаги икки усул таҳлилига қаратилган: 1) сўз яшаш усули; 2) лексик-синтактик усул (равиш интенсификаторлар ёрдамида). Агар В.П.Мусиенко ўз изланишида асосий диққатини маъно кучайтирувчи баъзи префиксларгагина қаратган бўлса, Т.А.Цойнинг тадқиқотида маъно кучайтиришнинг морфологик ва лексик усули тўғрисида сўз кетади, холос.

Т.Н.Григоренконинг тадқиқоти португал тили матнларидаги интенсификаторларнинг семантик, боғловчилик ва функционал қирраларини очишга бағишланган. У сўзларнинг интенсивлик даражаларини 4 гуруҳга бўлади: а) қуйи (паст) даража – *um pouco, um bocado, lemente* (ўзбекча эквивалентлари: сал-пал, озгина, зўрға); б) етарли даража – *basinet, assay, sugicintmente* (ўзбекча эквивалентлари–етарли, етарли даражада); в) юқори даража – *muito, manifestamente, largamente* (ўзбекча эквивалентлари – жуда, ғоятда, айниқса, жуда ҳам); г) ўта кучли даража – *extremamente, extraordimeriamente, terrivalmente, fantasticamente* (ўзбекча эквивалентлари –

хаддан зиёд, ўта, даҳшатли, ақл бовар қилмайдиган даражада). Мазкур илмий изланишда асосий эътибор феъл сўз туркумидаги интенсивликка қаратилган бўлиб, бошқа сўз туркумлари ҳақида фикр билдирилмаган.

Интенсивлик ҳодисасини ўрганишга қиёсий ёндашув А.Н.Трошкина, И.И.Убин, Р.И.Гафароваларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

А.Н.Трошкинанинг ишида рус ва инглиз тилларидаги интенсивликнинг феъл лексемаларда намоён бўлиши таҳлил қилинган. Интенсивлик категориясининг номинативлик кучини аниқлашда мазкур тадқиқот муҳим аҳамиятга эга. Унда интенсивлик маъносининг ифодаланишига хос бўлган жузъий ва универсал тил воситалари ўрганилган. Қиёсланаётган тиллардаги феъл лексемалар доирасида ҳаракат интенсивлиги категориясини ифодаловчи асосий усуллар аниқланган. Тадқиқотда кўпроқ маъно кучайтирувчи феъл лексемалар ҳамда иш-ҳаракатни кучайтирувчи айрим префикслар (over-, super-, ou-t, en-, em-, ir-) таҳлил қилинади.

И.И.Убиннинг тадқиқотида рус ва инглиз тилларидаги интенсивлик категориясининг турли хил услубдаги матнларда лексик воситалар билан ифодаланиш частотаси аниқланган. Унинг фикрича: “Тил бирликлари интенсивлик категориясини шундай қамраб оладики, уларда энг кучсиз нуктадан энг кучли нуктагача ифодалаш хусусиятларига имкон туғилади. Бу шкаланинг нуль (бошланғич) босқичи матнда маънони кучайтириш ва кучсизлантириш учун асосий (меъёрий) нукта ҳисобланади. Бу нуктада турган сўз бошқа қиёсий даражалар учун доминант ҳисобланади ”. Тадқиқотчи асосан маъно кучайтирувчи лексик воситаларни таҳлил этади. Натижада тилнинг бошқа сатҳларидаги интенсивлик ифодаловчи воситалар эътибордан четда қолган.

Испан ва озарбайжон тилларининг сўзлашув нуткидаги интенсификация эмоционалликнинг услубий воситаси сифатида қиёсланган ишда Р.И.Гафарова такрор, гипербола, қиёслаш каби воситаларни маъно кучайтиришнинг услубий-синтактик усули деб қарайди. Лекин инверсия, риторик сўроқ гаплар, параллелизм, полисиндентон каби бошқа синтактик воситалар хусусида фикр билдирилмайди. Интенсивликни турли сўз туркумлари бўйича ўрганиш Л.Я.Герасимова, О.Ф.Шевченко, В.Мальцев, О.Бозоров каби тадқиқотчилар ишларида ўз ифодасини топган.

Л.Я.Герасимова ва В.Мальцев инглиз тилидаги кучайтирувчи равишларни тадқиқ этадилар. Л.Я.Герасимова ўз ишида белгининг юқори даражасини ифодалашда интенсивлик ва субъектив баҳо тушунчаларини фарқлашга эътибор қаратади. Лекин, бу ишлардан фарқли ўлароқ, В.Мальцев ўз тадқиқотида *quite, frightfully, singularly, utterly* типдаги равишларни маълум бир белгининг элатив ёки тўла даражадаги намоён бўлишини ифодалашда сўз маъноларини кучайтирувчи восита деб қарайди. Масалан: *very serious, quite ready, frightfully amusing, singularly sweet* . Ҳар икки тадқиқот асосан кучайтирувчи равишларга бағишланган бўлиб, бошқа воситалар хусусида фикр билдирилмайди.

О.Ф.Шевченконинг тадқиқотларида интенсивликнинг модаллик ва экспрессивлик ҳодисаларига муносабати ўрганилади. О.Бозоров ўзбек тилидаги *фақат, гина, оқ, ёқ, гўё, худди, ҳатто* каби кучайтирувчи юкламаларни, кейинги тадқиқотларида эса, ушбу ишининг давоми сифатида, ўзбек тилидаги даражаланиш ҳодисасини атрофлича таҳлил қилади.

А.Абдуллаев маъно кучайтириш ҳодисасини ўзбек тилининг фонетик ва морфологик сатҳлари бўйича ўрганади. Бу ўринда фонетик усулдаги маъно кучайтиришда унлини кучли талаффуз қилиш, унлини чўзиш ҳамда геминация (товушни иккилантириш) ҳодисасидан фойдаланиш мумкинлиги, морфологик усулда эса - лар суффиксининг фаоллиги қайд этилади.

Юқорида шарҳланган лингвистик адабиётлардан шу нарса маълум бўлдики, уларда интенсивлик категорияси турли хил нуқтаи назарлардан ўрганилган. Лекин мазкур долзарб муаммонинг ҳали кўпгина изоҳталаб томонлари мавжуд. Жумладан, интенсификация муаммосига бағишланган лингвистик адабиётларда “интенсивлик”, “интенсификация” тушунчаларини ифодаловчи терминларга, шунингдек, экспрессивлик, эмоционаллик, аффективлик категорияларини ифодаловчи терминларнинг мазмун-мундарижасига етарли даражада аниқлик киритилмаганини кўрамиз. Лингвистик терминлар луғатларида ҳам “интенсивлик” термини маъносига жиддий эътибор берилмайди ёки тор маънодаги “нутқ интенсивлиги” тушунчаси билан чегараланилади. Шунингдек, мазкур муаммонинг тилнинг турли сатҳларига оид интенсивликни ифодаловчи воситалар, маъно кучайтириш воситаларининг когнитив ҳамда концептуал хусусиятлари, кучайтирувчи воситаларнинг семантик хусусиятлари каби масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Тилшуносликда “интенсивлик” тушунчаси

Маълумки, объектив борликдаги нарса, ҳодисаларнинг ҳаракати турли шароитда ва турли суръатларда содир бўлади. Масалан, *walk → run → fly; laugh → smile, etc.*

Инсон объектив борликда юз берадиган ҳаракат ва ҳодисаларнинг қай даражада содир бўлишини ҳам чуқурроқ ўрганиб боришга ҳаракат қилади. Объектив оламдаги ана шундай нисбий ҳолатлар инсон онгида қиёс орқали акс эттирилади. Қиёслаш борликдаги нарса, ҳодисаларни билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган усулдир. Ундан объектив ҳолатда мавжуд бўлган кучайтиришни англашда, билишда ҳам фойдаланилади.

Интенсивлик ҳодисаси, аввало, борликдаги нарса, ҳодисаларнинг ҳаракати, ҳолати билан бевосита боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, шамолнинг эсиши ҳамда унинг бўрон ва тўфонга айланиши; ёмғирнинг севалаб, кучли, яъни сел, дўл тарзида ёғиши; ҳароратнинг совиши, илиши, исиши; транспорт воситаларининг секин, маромида, тез ҳаракатланиши кабилар. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, бирор бир фанни ўқитишнинг интенсив курси каби ҳолларда ҳам буни сезиш мумкин.

Юқорида зикр қилинган барча ҳолатларда интенсивлик заминида микдорнинг меъёрдаги ҳолатидан ортиши, ўсиб бориши ётади. Бизни қуршаб турган моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга *сифат, миқдор ва меъёрлар* хосдирки, уларнинг тилда ўз аксини топиши табиийдир.

Тилшуносликда “интенсивлик” тушунчаси ҳақида жуда хилма-хил фикрлар мавжуд. Аксарият олимлар мазкур тушунчани микдор категориясининг бир кўриниши сифатида қарайдилар. Улар интенсивликни семантик категория деб ҳисоблаб, унинг асосида “микдор” тушунчасининг маънодаги градацияси ётишини эътироф этадилар. Кузатишимизча, интенсивлик категориясининг бундай кенг шарҳи Ш.Баллидан бошланган. У интенсивлик деганда, микдор, катталиқ, қиймат, куч каби категориялар билан алоқадор бўлган барча фарқларни тушунган.

Интенсификация сифатнинг микдорий ўзгаришидир. Мазкур ўзгариш меъёрдаги ўлчовдан четга чиқиш ҳолатлари билан боғлиқ бўлиб, у сўзловчи учун ҳам, тингловчи учун ҳам муҳимдир.

Интенсивликнинг тилнинг турли сатҳларида намоён бўлиши масаласини кўриб чиқишдан аввал тадқиқотимизда кўп қўлланувчи айрим терминларга изоҳ бериш лозим кўринади. Улар жумласига *интенсив, интенсификатор, интенсификат, деинтенсив, деинтенсификатор* кабилар киради.

Интенсификатор – интенсивликнинг меъёрий бўлмаган даражасини ҳосил қилувчи восита; *интенсив* натижа номи, тил ҳодисалари воқеланишида меъёрдан юқори даража кўрсаткичидир. Масалан: *l-a-a-a-rge* сўзи таркибидаги чўзилган **a-a-a** – интенсификатор, *l-a-a-a-rge room* эса интенсив. Инглиз тилидаги *super-, hyper-, over-, out-* каби префикслар (олд қўшимчалар) интенсификаторлар ҳисобланади. Интенсификаторлар интенсивликни эксплицит тарзда ифодаловчи воситалардир. Аммо кўпчилик сўзларнинг семантик структурасида интенсивлик семаси имплицит тарзда намоён бўлади. Бундай сўзлар интенсификатлар деб номланади. Уларнинг маркерлари сўзнинг семантик дефинициясида учрайди.

Масалан: *Gorgeous – very beautiful: Mandy was there, looking gorgeous as usual, Rejoice – to feel very happy about something; Triumph – a great victory or success: This track has been the setting for some of her greatest triumphs. Terribly-very, or extremely: Something is terribly wrong*

Интенсификаторлар ва интенсификатлар орасига аниқ чегара қўйиш қийин, чунки семантик структурасида интенсивлик семасига имплицит тарзда эга бўлган сўзлар, яъни интенсификатлар эксплицит тарзда бошқа сўзлар маъносини кучайтириши мумкин. Масалан: *terrible* интенсификати *pain* сўзи билан бирикиб, мазкур сўзнинг интенсификаторига айланади: *terrible pain – very strong pain*.

Шундай қилиб, бизнингча, интенсификатор мақомида ифоданинг экспрессивлик даражасини кучайтирувчи ҳар қандай восита келиши мумкин.

Бундай вазиятда унинг қуршовида кучайтирув равишлари, кучайтирув сифатлари ва феъллар бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, интенсивлик категорияси экспрессивлик даражасининг ортишида намоён бўлади. Лексемаларнинг экспрессивлик даражасини аниқлаш зарурияти эса, ўз навбатида, “интенсивлик шкаласи” тушунчасининг истеъмомга киритилишини тақозо этади.

Қиёсланг: *to be in love* → *to be really and truly in love with smb* - *to be terribly wildly/agonizingly in love with smb* → *to love smb madness (death)*.

To be in love сўз бирикмасини интенсивлик даражасининг оддий бошланғич нуктаси, кўрсаткичи сифатида қабул қилсак, мазкур сўз бирикмаси таркибига кучайтирув равишларини киритиш орқали интенсивликнинг турли даражаларини ифодалаш имконияти вужудга келади. Бу даражалар интенсивлик шкаласидаги у ёки бу белги миқдори босқичини бизнинг онгимизга етказди.

Сўзнинг интенсивлик маъносини шарҳлашда инсон омилининг тилга таъсирини ҳисобга олиш лозим. Зотан, тилнинг том маънодаги эгаси инсондир. Интенсивлик эса тил воситасида дунёни англаш, тушуниш жараёнида ўз ифодасини топади. Бизнингча, буни исботлаш учун қўшимча далилларга эҳтиёж сезилмайди.

Бизнингча, интенсивлик семантик категория бўлиб, умумтил ходисаси ҳисобланади. Чунки интенсивлик сўз семантикасининг кучайишига, унинг структурасида қўшимча маъно нозикликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, интенсивлик экспрессивлик миқдорининг ўлчамини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, интенсивлик, экспрессивлик ва миқдор категориялари ўзаро боғланишда эканлиги кузатилади.

Интенсивлик ва экспрессивлик

Экспрессивлик латинча **expressio** сўзидан олинган бўлиб маънодор, таъсирли, ифодали маъноларини англатади. Экспрессивлик бу киши сезгиси ва фикрининг аниқ намоён бўлишидир. В.Н.Телиянинг фикрича, экспрессивлик – “бу умумий ҳолатдаги сифатнинг ёки миқдорнинг кучайишидир”. Е.М.Галкина-Федорук эса экспрессивликка қуйидагича таъриф беради: “Экспрессивлик – бу таъсирчанликнинг кучайиши, яъни баён этилаётган фикрнинг таъсир кучини ортишидир”.

И.В.Арнольд экспрессивлик дейилганда, “матн мазмунига кучли интенсивлик бағишловчи хусусиятларни” тушунади.

Маълумки, ҳар қандай сўзнинг икки томони бор: 1) ички, яъни лексик маъно томони 2) ташқи, яъни номама томони. Дастлаб “экспрессия” тушунчаси сўзнинг ифода томони учун қўлланган. Кейинчалик эса у “ифода” маъносидан “ифодалилиқ”, яъни ифоданинг равшанлиги, аниқлиги, бўртиб

туриши, таъсирчанлиги каби маъноларни касб этган. Ҳозирги даврда экспрессия сўзи асосан кейинги ҳосил бўлган маъно, яъни ифодалилиқ, таъсирчанлиқ маъноларида қўлланилмоқда. Инглиз тилидаги кўпгина сифатлар белгининг юқори даражасини ифодалайди. Қиёсланг:

- 1) good – having desirable quality;
- 2) wonderful – of very good quality;
- 3) gorgeous – of an outstanding quality;

Мисоллардан кўриниб турибдики, қатордаги учинчи сўз **gorgeous** семантик жиҳатдан кучли бўлиб, мазкур белгининг юқори даражасини кўрсатмоқда. Равшанки, интенсивлиқ ва экспрессивлиқ ҳар қандай тилда, шу жумладан, инглиз тилида ҳам ўз ифода воситаларига эга. Бунда интенсивфикаторлар матндаги экспрессивлиқ миқдорини орттиради. Маълумки, экспрессивлиқ категорияси лингвистик адабиётларда “интенсивлиқ” тушунчаси орқали талқин этилади. Баъзан эса интенсивлиқ ва экспрессивлиқ, агар бунга эҳтиёж туғилса, тенглаштирилади. Албатта, тил системасида нутқ таъсирчанлигини оширувчи воситалар мавжуд. Шунинг учун ҳам экспрессивлиқни сўз семантикасининг таркибий қисми сифатида қараш керак бўлади. Бизнингча, интенсивлиқ экспрессивлиқни таъминловчи манба ҳисобланади. Масалан: 1. She is a beautiful girl → She is **a very** beautiful girl → She is **a terribly** beautiful girl.

Мисоллардан кўриниб турибдики, **very, terribly** интенсивфикаторлари ёрдамида экспрессивлиқ кучи янада ортиб боради, зотан, интенсивлиқ экспрессивлиқ ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Экспрессивлиқ окказионализмлар, сўз бирикмасидаги сўзлар ўрнининг ўзгартирилиши, сўзларни кўчма маънода ишлатиш кабилар орқали намоён бўлади.

Кўпинча интенсивлиқ, образлиқ, эмоционаллик, баҳолаш ва экспрессивлиқ бир ҳодиса сифатида қаралади. Назаримизда, интенсивлиқни экспрессивлиқка тенглаштириш тўғри эмас. Улар бир-бирига боғланган тил ҳодисалари бўлса ҳам, муштарак мақомга эга бўлолмайди. Интенсивлиқ экспрессивлиқнинг бир қисми бўлмай, балки экспрессивлиқ томонга силжишга ундовчи лингвистик омилдир. Агар интенсивлиқ ономасиологик категория сифатида миқдор ёки даражани англатса, экспрессивлиқ тилдан ташқари борлиқда ўзининг референтига эга эмас ва у ахборот ёки дарак бериш вазифасини бажармайди, балки адресатга етказиладиган ахборотни таъсирчан қилиш учун хизмат қилади.

Хуллас, интенсивлиқ ва экспрессивлиқнинг ўхшаш ва фарқли томонларини қуйидагиларда кўрамиз:

1. Ҳар иккала категория ҳам тилда бир хил ифода воситаларига эга. Масалан, экспрессив синтактик воситаларга такрор, параллелизм, инверсия, риторик сўроқ гап ва бошқалар кирса, айнан ушбу воситалар нутқ интенсивлигини ифодаловчи воситалар ҳам ҳисобланади.

2. Интенсивлик ва экспрессивлик мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Агар экспрессивлик семасиологик категория сифатида нутқ таъсирчанлигини, ифодалилигини оширишга хизмат қилса, интенсивлик ономасиологик категория сифатида белгининг миқдорий характеристикасини (белгининг меъёрдан ортиқ ёки камлигини) ифодалайди. Бу эса унинг экспрессивликни келтириб чиқарувчи ҳодиса, манба эканлигини далиллайди.

3. Ҳар иккала категория вазифаси жиҳатдан бир-бирига мос келади. Ҳар иккиси биргаликда ёки алоҳида олинганд ҳам адресатга кучли таъсир этиш вазифасини бажаради.

Интенсивлик ва эмоционаллик

Тил тизими бирликлари воситасида инсонларнинг теварак-атрофга, бошқа одамларга муносабати, ҳар хил кечинмалари ифода этилади. Эмоция латинча “*emovere*” сўзидан олинган бўлиб, кишининг ҳис-туйғуси, кечинмаси, ҳиссиёти маъноларида қўлланилади. Эмоционаллик – бу нутқий категориядир. У борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маъқуллаш ва маъқулламаслик, шодлик, аччиқланиш каби туйғулар билан боғлиқ бўлади. Эмоционаллик ҳар доим баҳолаш тушунчаси қуршовида воқеланади. Эмоционал маъно эса, ўз навбатида, лексик ифодаланишдан ташқари, ҳис-туйғу ва сезгиларни ҳам англатади. Эмоционаллик ҳодисаси доимий равишда олимларнинг диққатини тортиб келган ва унинг ўзига хос белгилари атрофлича ёритилган. Албатта, эмоционаллик ҳамда интенсивлик ҳодисалари чамбарчас боғлиқдир. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, интенсивлик ҳар доим эмоционал бўлавермаслиги, соф мантикий бўлиши ва сўзнинг денотатив маъносига кириши ҳам мумкин. Эмоционаллик эса турли воситалар ёрдамида воқеланади. Равишлар баъзан ундовлар билан, баъзан субъектив баҳо ифодаловчи сифатлар билан бирга қўлланганда эмоционаллик ифодалайди. Эмоционал сўзлар турли ҳис-туйғуларни ифодалайди ва бутун гапга эмоционаллик бўёгини беради. Масалан: 1) *She is happy* (эмоционал, лекин интенсивлик жиҳатдан нейтрал).

2) *She is **extremely** happy* (интенсивлик даражаси ўта кучли).

Мисоллардан кўриниб турибдики, интенсификатор эмоционалликнинг юқори даражасини ифодалашга хизмат қилмоқда. Барча эмоционал сўзлар ўзининг денотатив маъносида экспрессивлик семасига эга бўлади, лекин экспрессив бирликлар таркибида эмоционал семалар бўлмаслиги ҳам мумкин. Интенсивлик эмоционалликнинг даражасини белгилаш учун хизмат қилади, зотан, у эмоционалликнинг миқдорий ўлчови ҳисобланади. Агар тил бирликларининг семалари таркибида эмосема бўлса, мазкур тил бирликларининг экспрессивлиги эмоционал бўёққа эга бўлади ва шунинг учун ҳам турли тилларда, жумладан, инглиз тили луғат таркибида эмоционал–экспрессив лексик қатлам мавжуд.

Интенсивлик ва баҳолаш

Баҳо сўзловчи ёки нутқ субъектининг борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга муносабатидир. Баҳолаш ҳаракати субъектнинг объектга муносабати намунасидир ва бу муносабат воқеланишида объектнинг субъект учун аҳамиятли томонига эътибор қаратилади, алоҳида урғу беради. Демак, баҳо объектнинг аҳамиятли томони, қийматини белгилаш фаолияти жараёнидир. Турли тиллар материалида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, баҳолаш турлари орасида интеллектуал-мантиқий баҳо доминанта ҳисобланади. Бу шундай баҳоки, у объектив белгилар ҳақида мантиқий фикрлашга асосланади. Масалан: “And I will tell you this, madam de la Roche, blackmailing is an ugly word both in England and in France”; “...but with that ugly word “murder” ringing up in her ears she dared not keep anything back”. Ажратиб кўрсатилган сўзларда баҳолаш маъноси *ugly* сўзи орқали берилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, баҳолаш (кўп ҳолларда) маъно аспектидаги нозик денотатив маъно қиррасининг мазмун-мундарижаси бўла олади:

- 1) **take care** (баҳолаш оттенкаси йўқ);
- 2) **bother** (баҳолаш оттенкаси бор);
- 3) **intense** (баҳолаш оттенкаси йўқ); **intense** – very great or extreme: Festivities began in the intense heat of the midday sun.
- 4) **vehement** (баҳолаш оттенкаси бор: ўта интенсив); **vehement** - involving extremely strong feelings or beliefs: a **vehement protest / objection**.

Сўзлар семантик белгиларига кўра баҳолаш жиҳатдан нейтрал ҳамда бевосита баҳо ифодаловчиларга бўлинади. Баҳо ифодаловчи сўзлар доирасида, ўз навбатида, икки гуруҳ, яъни ижобий ва салбий баҳо ифодаловчилар фарқланади. Тилшуносликда бу кўпинча (+ / -) тарзида белгиланади. Бироқ тилларда ижобий ва салбий баҳо ифодаловчи сўзлар сон жиҳатдан бир хил эмас. Масалан, инглиз, рус ва ўзбек тилларида миқдорий муносабатни ифодаловчи салбий баҳоли сўзлар ижобий баҳоли сўзларга қараганда кўп. Бу ҳолат кўпроқ ижтимоий-рухий омилларга боғлиқ: ҳамма яхши нарсалар, воқеа, ҳодисалар меъёр ҳисобланади.

Интенсивлик ва баҳолаш категориялари семантик жиҳатдан мураккаб алоқададир. Шуниси муҳимки, ҳар қандай белгининг интенсификацияси баҳолаш квалификацияси билан уйғунлашади. Бунда сўз маънолари бир вақтнинг ўзида интенсивлик ва эмоционаллик семаларини қамраб олади. Бу ҳол эса баҳолаш компонентининг юқори даражада бўлишига олиб келади. Қиёслаймиз: инглиз тилида *terribly or awfully love / hate*. 2) *tremendously beautiful / ugly*.

Интенсификаторлардаги соф салбий баҳо белгиси кўп ҳолларда йўқолади. Бундай вазиятда интенсификацияга олиб келувчи воситалар эмоционаллик ва баҳолаш маъноларини акс эттиради.

Баҳо категориясининг мураккаблиги ва кўпқирралиги, таркиб ва маъно жиҳатидан кенг қамровлиги ушбу ҳодисанинг мантиқ ва тилшуносликда

турлича тавсифланишига сабаб бўлмоқда. Шахснинг идрок қилинаётган воқеликка бўлган муносабатини акс эттирувчи баҳолаш фаолияти ушбу воқелик парчасининг прагматик қиймати, моҳиятининг шахс томонидан белгиланишидир. Бу фаолият жараёнида бирор бир ҳодисанинг сифат берилаётган хусусияти танланган намуна ёки меъёрга қиёсланади ва бу орқали меъёрдан четга чиқиш (ижобий ёки салбий) ҳолатлари аниқланади.

Хуллас, баҳолаш фаолияти инсон лингвокогнитив фаолиятининг маҳсули эканлигига ҳеч қандай гумон йўқ, зеро “Баҳолаш ҳаракатининг ҳар қандай кўриниши идрок ва нутқ субъекти фаолияти билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. Зотан, интенсивлик баҳолашнинг меъёрий ўлчови ҳисобланади.

Интенсивлик ва таъкидлаш

Интенсивлик таъкидлашдан фарқ қилади. Таъкидлашнинг мақсади сўз ифодаलाётган маъно предметини кучайтириш эмас, балки шу предметнинг маъносига диққатни тортиш, уни бошқа сўзларнинг маъноларига қараганда аҳамиятли эканлигини кўрсатишдан иборатдир. Таъкидлаш вазифасини оҳанг, таъкидловчи юклама кабилар бажаради. Масалан, *My father is a teacher*. Логик урғу орқали исталган сўзни таъкидлаш, бўрттириш имконияти мавжуд бўлади.

Демак, экспрессивлик интенсификация, эмоционаллик, баҳолаш, таъкидлаш каби ҳодисалар асосида юзага келувчи нутқий таъсирчанлик ҳодисасидир. Интенсивлик экспрессивлик, эмоционаллик, баҳолашнинг микдор кўрсаткичи, таъсирчанлик даражаси учун хизмат қилувчи динамик ҳодисадир.

Интенсивлик тилнинг турли сатҳларида ўзининг фонетик, морфологик, синтактик, лексик усулларидаги ифодаланиш тизимига эга.

Интенсивликнинг турли сатҳларданамоён бўлиши

Инглиз тилида фонетик усулда маъно кучайтириш унли ёки ундошни кучли талаффуз этиш, чўзиш, бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш ҳамда интонациянинг бошқа компонентлари ёрдамида ифодаланади. Қуйида булар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Инглиз тилида унлини кучли талаффуз этиш орқали сўз маъносини кучайтириш энг кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Маълумки, мустақил маъноли сўзлар бир ёки кўп бўғинли бўлиши мумкин. Бир бўғинли сўзларда динамик (зарб) урғу билан маъно кучайтириш шу сўз таркибидаги унлини кучли талаффуз қилиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, *Come here* – тез кел бу ёққа; *Be quick* – тезроқ бўл.

Қўшма отларда, қўшма сифатларда уларнинг таркибидаги ҳар икки сўз ҳам урғу олади ва биринчи компонентдаги унли кучли талаффуз этилади.

Масалан: Open-handed – кўли очиқ, сахий. Агар Open handed тарзида талаффуз этсак, яъни ҳар иккала қисм ҳам урғу олса, ушбу бирикмани ниҳоятда кўли очиқ, жуда сахий деб таржима қилса бўлади.

Кўп бўғинли сўзларда маъно кучайтириш учун ўша сўзни икки ва ундан ортиқ зарб урғуси билан белгилаб, бўғинларга бўлиб талаффуз қилган ҳолда маъно кучайтириш мумкин. Масалан: It is ab-so-lute-ly imposi-ble – мутлақо имконияти йўқ.

Унлини чўзиш (квантитатив урғу) фонетик усул билан маъно кучайтиришнинг алоҳида бир туридир. Масалан: Yes – ye-e-e-s – жуда тўғри, good – go-o-o-d – жуда яхши; “Just a son of the **oooold** sod”, he went on mirthlessly, “with a tidy little private bank account of – what? Two, three million?”.

Инглиз тилида ундошни чўзиш орқали ҳам сўз маъносини кучайтириш мумкин. Бундай ҳолат кўпроқ жарангли ундошларда учрайди. О.И.Дикушинанинг таъкидлашича, ундош товушлар, одатда, бирор сўзнинг маносини кучайтириш, таъкидлаш мақсадида чўзиб талаффуз этилади. Масалан: Marvellous – **m-m-marvellous** – жуда ажойиб. “**I r-r-r-ruin** my character by remaining with a Ladyship so inflame!”.

Баъзан жарангсиз ундошни чўзиб талаффуз қилиш орқали ҳам маъно кучайтирилади. Масалан: It’s filthy – **f-f-filthy** – ниҳоятда ифлос

М.И.Матусеевичнинг фикрича, рус тилида унлини чўзиш кўпроқ ижобий ҳис-туйғулар, ундошни чўзиш эса салбий ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлади. Масалан: 1. Он такой до-о-о-обрый, сла-а-а-а-вный человек. 2. **Ч-ч-ч**ерт возми!, **м-м-м**ерзавец!

Буйруқ-истак майли шаклидаги гапларда унлини кучли талаффуз этиш ва уни чўзиш орқали маъно кучайтириш инглиз тилида бошқа-бошқа ходисаларга нисбатан қўлланади: а) унлини кучли талаффуз этиш дўк, пўписа, буйруқни ифодалайди; б) унлини чўзиш истак, илтимос, ёлвориш маъноларини ифодалайди. Масалан: Don’t tell him – унга асло айтманг (ёмон бўлади). Do-o-o-n’t tell him = please do-o-o-o-n’t - илтимо-o-o-o-o-с унга айтманг.

No – йўқ сўзидаги унли кучли талаффуз этилса ҳам, чўзиб талаффуз этилса ҳам инкор таъкиди кучаяди. Кучли талаффуз этилганда гап тугаган ҳисобланади, унинг давоми назарда тутилмайди. Масалан: Will you go there with us? – Биз билан у ёққа борасизми? No! – Йўқ (гап тамом). Унлини чўзганда эса гапнинг давоми бўлиши мумкин. Масалан: Will you go to the cinema with me today? No-o-o-o, I am busy today - Йўқ, мен бугун жуда бандман.

Ундов сўзларда фонетик усул билан маъно кучайтириш ҳис-туйғуга мувофиқ бўлади. Масалан, Oh!, Ah!, Pooh!, Dear me!, God knows!.

Сон сўз туркумига оид сўзларда ҳам фонетик усулда маъно кучайтириш ходисаси учрайди. Бунда маъно кучайтириш сўзловчининг ҳис-туйғуси билан боғлиқ ҳолда воқеланади. Масалан: **Two** students were absent yesterday.

Ten, hundred, thousand каби сўзларда маъно кучайтириш урғуни кучли талаффуз этиш йўли билан амалга оширилади. Шунинг қайд этиш керакки, маъно кучайтиришда нафақат урғу, балки сўзларнинг лексик маъноси ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан: *I told you hundred times* – Сенга мен неча юз марта айтганман.

Тақлидий сўзларда унли ёки ундошни чўзиш ҳамда кучли талаффуз этиш орқали сўз маъносини кучайтириш мумкин. Масалан, унлини кучли талаффуз қилиш: *ding-dong, clink, tinkle, splash, bubble*; унлини чўзиш: *ding-dooooong, moo-mooo*; ундошни чўзиш: *mew-mewww, purr-purrrrr*. С.В.Ворониннинг таъкидлашича, тақлидий сўзларда товуш орттирилиши маъно кучайтириш учун хизмат қилади.

Интонация воситасида нутқ эмоционал - экспрессивликка эга бўлади. Оҳанг нутқни жонли ва ифодали қилишга ёрдам беради. Интонация оғзаки нутқда овознинг кўтарилиши ёки пасайиши орқали, ёзма нутқда тиниш белгилари, курсив ёзуви ёрдамида, поэзияда эса ҳар бир сўзни алоҳида каторга ёзиш орқали ифодаланади.

Интонация унсурларидан бири бўлган пауза ҳам оғзаки ва ёзма нутқда муҳим роль ўйнайди. Қайси сўзга диққат тортиладиган бўлса, ўша сўз пауза орқали ажратилади. Темп, тембр, урғу каби интонация компонентлари ҳам нутқни экспрессив, ифодали қилишда катта аҳамиятга эга. Агар сўзнинг охири баланд овоз билан талаффуз қилинса, у шубҳа, ишончсизлик, ҳайратланиш каби ҳолатларни ифодалайди. Масалан: *He is a student*

Сўзловчи нутқ жараёнида мазмун эътиборига кўра муҳим саналган сўзни таъкидлаб, баланд овоз билан айтади, шу сўзга тингловчининг диққатини жалб қилади. Бунда бевосита логик урғудан фойдаланилади. Мазкур урғу орқали гапдаги исталган сўзни таъкидлаш, бўрттириш имконияти мавжуд. Масалан: *I saw my friend yesterday* – Мен кеча айнан ўзимнинг дўстимни кўрдим.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тилида фонетик сатҳдаги интенсивлик сўздаги унли, ундош товушларни чўзиш, кучли талаффуз қилиш, интонация ва унинг компонентларидан фойдаланиш каби воситалар орқали ифодаланади. Буни қуйидаги тасвирда кўрсатиш мумкин:

1.3.2. Интенсивликнинг морфологик сатҳда ифодаланиши

Маъно кучайтиришнинг морфологик усули дейилганда сўз шакли ёки морфема ёрдамида маъно кучайтирилиши тушунилади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, кучайтириш (интенсивлик) асосан предмет ва ҳаракат белгиларига, ҳаракатнинг ўзига ва сўзловчининг руҳий ҳолатига, ҳис-туйғуси билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, равиш ва феъл сўз туркумларига оид сўзлар маъно кучайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Маъно кучайтирувчи морфемалар бошқа сўз туркумларида ҳам, оз миқдорда бўлса-да, учрайди. Бу усулдаги маъно кучайтирувчи воситалар ва уларнинг хусусиятларини сўз туркумлари бўйича қараб чиқишни лозим топдик.

Сифатнинг маъносини кучайтириш сифат даражалари ёрдамида амалга оширилади. Баъзан сифатлар қиёсий даражасининг синтетик формаси бир бўғинли ва бир неча бўғинли сўзларга тегишли бўлса, у ҳолда бундай вазиятдан ташқарига чиқиш орқали маъно кучайтириш мумкин. Масалан: *"Curiouser and curiouser!" cried Alice (she was so much surprised that for the moment she quite forgot how to speak good English).*

Тадқиқот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, сифат, от, феъл сўз туркумига оид сўз маъноларини кучайтиришда қуйидаги префикслар анча фаол ҳисобланади. (**super-, hyper-, out-, over-, ultra-, extra-, multi-, up-, upper-, mega- sub-, micro-, mini-, un-, in-, ir-, dis-, and etc.**). Масалан:

1. superfood - a food that is considered to be **very** good for your health that may even help some medical conditions.
2. supercomputer - **a very** powerful computer that can deal with large amounts of information very quickly.
3. superhuman - superhuman qualities are **much** greater and more impressive than those of an ordinary person: With superhuman effort Will managed to control his temper.
4. supermodel - **a very** famous fashion model who earns a lot of money.
5. supersize - to change something for **a much** large size.

6. hypercompetitive-business involving **extremely** strong competition.
7. hypersensitive - **very** easily upset or offended.
8. hypermarket - **a very** large supermarket, usually built outside a town, that sells a wide range of goods.
9. hypercritical - tending to criticize a lot in **a very** unfair way.

Out-, over- префикслари сифат, от, феълга кўшилиб, мазкур сўзларнинг маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан:

1. outdo - **to be better** than someone else at doing something: The kids were trying to outdo each other.
2. outlandish - **extremely** strange and unusual.
3. outlast - to last **longer**, or to continue to be successfully for longer, than someone or something else: This system has outlasted many of its rivals.
4. outlive - to live **longer** than someone else: She outlived her husband by two years.
5. outpace - to make **more** progress, increase **more** quickly, to become **more** successful than someone or something else .
6. outperform - to do something **better** than someone or something.
7. outplay - to play **much better** than your opponent in a sport .
8. over-achiever - someone who tries **extremely** hard to be successful and puts pressure on themselves to achieve many things.
9. overact - if an actor overacts they perform with **too much** energy or emotion so that their performance seems false.
10. overarching - affecting or including everything and therefore **very** important.
11. overbook - to sell **more** tickets than you available.

Ultra-, extra- префикслари сўз маъноларининг ғайриоддий тарздаги кучлилигини ифодалайди. Масалан:

1. ultramodern - **very** bright blue in colour.
2. ultrasonic - ultrasonic sounds are sounds that humans cannot hear because they have **very** high frequencies.
3. extraordinary - very unusual and suprising.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, **multi-** префикси предметлар миқдорининг ортиқлигини ифодалаш орқали маъно кучайтириш вазифасини ҳам бажариши мумкин. Масалан:

1. multicoloured - consisting **of several** different colours.
2. multimillionaire - someone who has money or property worth **many** million of pounds, dollars .

Micro-, mini- префикслари предметларнинг кичиклигини кучайтиради:

1. microbiology - the science that deals with **very small** living things.
2. microchip - **a very small** piece of silican that contains the electronic connections for making a computer work.
3. microfiche - a sheet of film with **very small** photographs of documents on it.

4. microfilm - a piece of film that has **very small** photographs of documents on it.

5. mini-market - **a very small** market.

Таҳлил натижасига кўра *en-* префикси ҳам маълум даражада маъно кучайтириш хусусиятига эга эканлиги аниқланди:

1. engrossing - **extremely** interesting ; an engrossing story.

2. enrage - to make someone **extremely** angry.

3. enraptured - enjoying something **very** much.

4. enrich - to make something **better** or **more** enjoyable: Doing volunteer work has enriched my life.

Up-, upper-, mega-, sub- префикслари ҳам сўз маъносини маълум даражада кучайтириши мумкин:

1. upraised - held in **a higher** position than usual.

2. upgrade – to make a computer or other machine **more** powerful or effective : The system has been upgraded to meet customer's needs.

3. uproar – 1) angry public criticism of something; 2) **a lot of very** loud noise, made especially by people shouting : After the verdict, the whole courtroom was in an uproar.

4. uppercut - a way of hitting someone **very** hard on the chin or in the stomach with the fist.

5. uppermost - 1) **more** important or urgent than anything else in a particular situation: Just surviving the storm become uppermost.

6. megabucks - **a very** large amount of money.

7. megastar - **a very** successful and famous actor or musician.

8. megastore - **a very** large shop, especially one that sells many different types of products.

9. subgroup – a small group of people who form part of **a large** group: We can divide the patients into two main subgroups.

Фактик тил материалининг таҳлили сўзларнинг салбий бўёғини кучайтиришда *un-, in-, dis-, mis-, ir-, im-* префикслари фаол эканлигини кўрсатди. Масалан:

1. unbearable - **so extreme** that you cannot deal with the pain, feeling: The heat was unbearable.

2. unbending - **too** strict, or unwilling to change your opinions or beliefs.

3. unforgivable - **extremely** bad and impossible to forgive: What happened was unforgivable.

4. unholly - **very** bad: How did we get ourselves into this unholly mess.

5. unamaguable - **very** difficult to imagine.

6. incalculable - **too great** to count or measure: The benefit to the local economy would be incalculable.

7. incomparable - **so** good that nothing else can compare.

8. disarray - a situation in which people are **very** confused or things are not organized, especially because something unexpected has happened: The committee was in complete disarray.
9. disgust - a **very** strong feeling of not liking something: The idea of eating meat fills me with disgust.
10. irreproachable - **very** honest and morally good, and impossible to criticize.
11. irresistible - **strong** or powerful and impossible to control or defeat: The team appears to be an irresistible force this season immoderate - **more** than is sensible = extreme.

Юқоридагилардан ташқари, *- ful, - ly* суффикслари ҳамда *up, in* постпозитивлари ёрдамида ҳам сўз маъносини кучайтириш мумкин:

1. clean up - to make place **completely** clean and tidy up: We really ought to make a start on getting this place cleaned up .
2. beat up – hurt someone by hitting or kicking them **many** times: They threatened to beat me up if I didn't give them my wallet.
3. bear up – to behave in a brave way in a **very** sad or difficult situation: Let's see how he bears up under the pressure.
4. freeze up – if something freezes up, it becomes **so** cold that it does not work or cannot move = **ICE UP**: All the locks had frozen up .
5. joyful - **very** happy.
6. lovely - **very** attractive.

Мисоллар таҳлили шундан далолат берадики, морфологик усулда маъно кучайтириш от, сифат, феъл сўз туркумларида яхши ривожланган. Энг фаол префикслар сифатида *super-, over-, out* ларни, суффикслардан эса *- ful, -ly* ни қайд этиш мумкин. Тадқиқотимизда сўзларнинг салбий маъно белгиларини кучайтиришда *un-, in-, dis-, mis-, ir-, im-* префикслари фаол эканлиги аниқланди.

Умуман олганда, морфологик усулда сўз маъносини кучайтиришнинг жиддий ўрганилиши сўз ва сўз шакли семантик структурасидаги очилмаган қирраларни намоён этишда катта аҳамиятга эгадир. Морфологик сатҳдаги маъно кучайтирилишини қуйидаги диаграмма ёрдамида ифодалаш мумкин:

Интенсивликнинг лексик сатҳда ифодаланиши

Лексик сатҳдаги маъно кучайтириш кучайтирувчи равишлар (интенсификаторлар), кучайтирувчи сифатлар, квантор сўзлар, кучайтирувчи фразеологик бирликлар, сифат ва феълларнинг синонимик катори ҳамда алоҳида сўзлар ёрдамида воқеланади.

Ҳаракат ва ҳолат маъносини кучайтиришни синонимия усулидан фойдаланган ҳолда ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, инглиз тилида ҳаракат тезлигини, интенсивлигини янада кучайтириб кўрсатиш учун **raining** ўрнида **pouring** сўзини қўллаш мумкин: **Pour or pour down** – to rain **very** hard: *The thunder and lightning stopped, but it continued to pour.*

Синонимик каторлар кўпроқ сифат ва феъл сўз туркумларига хосдир. Масалан: *big – enormous – gigantic*

Much, far, by far, still, even сўзларини сифат даража шаклларида олдин қўллаш орқали ҳам сўз маъноси кучайтирилади: *Much the biggest/best etc - a lot bigger, better, etc than all the others: I got lots of lovely presents, but yours was much the nicest.*

Far more/bigger/better etc = (much more, bigger etc): *The situation is bad in England, but it is far worse in Scotland.*

Тадқиқотнинг кўрсатишича, “possible” сўзини сифат даражасидан кейин қўллаш ҳам сўз маъносини маълум даражада кучайтиради. Масалан: *He arrived at the worst possible time.*

Ранг-тус маъносини кучайтиришда *dark* сўзидан фойдаланилади. Масалан: *dark blue / green / brown / red : a dark blue jacket.*

Инглиз тилида предметларнинг кўплигини ифодалаш учун квантор сўзлар қўлланилади. Одамлар сонининг кўплигини ифодалашда *hords of, a pack of, a bunch of* иборалари ва *hundreds, thousands, millions* каби нумеративлардан фойдаланиш мумкин: **hords of** – a large number of people: *Hords of tourists arrive in Italy every June.*

A pack of - group of people: *What a pack of rogues they are.*

A bunch - a large number of amount: *I have a bunch of stuff I have to do before lunch.*

Hundreds of or a hundred – a **very** large number or amount of people or things: *We received hundreds of applications for the job.*

Thousands or a thousand – a **large** number or amount of people or things: *The floods have left thousands homeless.*

Millions or a million – a large number of people or things: *I've got a million things to do before I leave.*

Вазни (оғирлик) кучайтиришда **ton** (тонна), ҳажми кучайтиришда **gallon** (галлон) каби лексемалардан фойдаланилади: 1. *It struck him like a ton of bricks.* 2. *I ran into Alex two weeks ago in the city. He is doing guess what? Drinking carrot juice. Yes! Gallons and gallons.*

A lot of ибораси ёрдамидаги маъно кучайтириш квантитатив усулда маъно кучайтиришининг бир тури ҳисобланади: 1. *To look a lot like smb.* 2. *to give smb lots of warning.*

Thousand times (ways, words) иборалари билан ҳам маъно кучайтирилади: *“Daddy, we've done all this a thousand times” Peg said.*

Интенсивлик **jolly, pretty, dead, badly** каби лексемалар ёрдамида амалга оширилганда, улар кўпинча **very** сўзи ўрнида қўлланади: 1. *I'll do whatever I jolly well want to!* 2. *The weather's been pretty awful, hasn't it?*

Dead сўзи кўпроқ сифатлар билан қўлланилади: *dead certain, dead drunk, dead quiet, dead right, dead tired, dead wrong.* Масалан: 1. *You are dead right;* 2. *“Dead sure. I seen her to do it „.*

Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, сўз маъноларини кучайтиришда *фразеологик бирликлардан* ҳам кенг фойдаланилади. Фразеологик бирликлар семантикасида тил эгаси бўлган халқнинг маданияти, урф-одати, касби, турмуш тарзи, ўтмиши ҳамда воқеликка муносабати кабилар акс этади. Инглиз тилида фразеологизмларнинг интенсивлик ифодалаш хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Тилшуносликда ҳозирги кунга қадар фразеология кенг ва тор маънода тушунилмоқда. Фразеологияни кенг доирада тушунувчи олимлар унинг таркибига мақоллар, маталлар, афоризмлар ва бошқа типдаги турғун бирликларни киритадилар. Тор доирадаги фразеология тарафдорлари эса яхлит кўчма маъноли турғун бирликларни ўрганиш билан чегараланадилар. Улар ўзларининг фразеологик тадқиқотларида фақат бирикмага тенг бўлган фразеологик бирликларни тадқиқ этиб, мақол ва маталларни фразеология объекти сифатида баҳоламайдилар.

А.В.Кунин фразеологик бирликларни гуруҳларга бўлиб ўрганар экан, тўртинчи гуруҳга коммуникатив фразеологик бирликларни киритган, мақол ва маталлар ҳам худди шу ердан ўрин олган. А.В.Куниннинг фикрича, “Фразеологик бирликлар бутунлай ёки қисман кўчма маънони ифодалаган турғун бирликлардир”.

Биз тадқиқотимизда фразеологик бирликларнинг интенсивлик семасини уларнинг семантик дефинициясидаги интенсивлик маркерлари орқали

аниқладик. Интенсивлик маркерларига **extremely, very, large, great, strong, deep, completely, much, many, the most, a lot of** ва бошқалар киради. Масалан:

1. dead beat ; dead tired (informal) **extremely** tired, exhausted.
2. dead weight – something that is **very** heavy.

Фразеологик бирликларни структур жихатдан ўрганишга кўплаб тилшунослар муносиб ҳисса қўшганлар. Мазкур тадқиқотларда фразеологик бирликлар структур жихатдан атрофлича ёритилган. Ўрганилаётган фразеологик бирликларни қуйидаги моделларда таҳлил қилиш мумкин:

Adj + N:

1. dead drunk – **completely** drunk.
2. a dead weight – something that is **very** heavy.
3. a good drink – **a large** quantity. Bill had a good drink at the pub last night. His wife wasn't at home.
4. hard drinks / liquor - **strong** alcoholic drinks .
5. hard drugs – **the strongest** drugs, which lead to addiction most easily, eg heroin.
6. a high wind – **a strong** wind.
7. a crying shame – something which is **a great** shame or a great pity.
8. a dark horse – a person who has **greater** capabilities than he shows or than people are aware of.
9. a dizzy height – **a very** great height.
10. a flying visit – **a very** short visit.
11. a golden opportunity – **a very** good opportunity.
12. golden opinions – **very** favourable opinions.

V + N :

1. to earn good money – to earn **a lot of** money .
2. to do someone a world of good / harm – to do someone **a lot of** good / harm. If this story gets out it could do Jack's reputation a world of harm. Take a month's holiday – the change will do you a world of good!.

To be + prepositional phrases :

1. to be at a loss (to do something) – to be **very** puzzled, to be unable to decide (about it). Sylvia is at a loss to know exactly how best to deal with Ted.
2. to be at pains to do something – to take **great** trouble to do it;
3. to be at one's wits' end – to be **greatly** perplexed, not to know what to do next;
4. to be in the limelight. – to receive **much** attention or publicity, to be the centre of interest;
5. to be in the money – to be earning or to have **a lot of** money;
6. to be in pink (informal) – to be in good health, to be feeling **very** well;

7. to be raptures (about /over something) – to be **extremely** delighted, to be very enthusiastic (about it). My mother is in raptures over her new stove.

Интенсивлик ифодаловчи фразеологик бирликларнинг структур таҳлили натижаларига кўра **Adj +N** моделининг фаоллигини қайд этиш мумкин.

Фразеологик бирликларнинг семантик таснифи олимлар томонидан ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади. Мазкур тадқиқотда биз проф.Н.Н.Амосованинг таснифидан келиб чиқиб, таҳлил қилинаётган фразеологик бирликларни 2 гуруҳга бўлдик: **идиомалар** ва **фраземалар**.

Фраземада сўзнинг биринчи компоненти ўз маъносида, иккинчи компоненти эса идиоматик маънода бўлиб, улар бир-бири билан шу тарзда боғланади: 1. to earn good money – to earn **a lot of** money;

1. hard drugs – **the strongest** drugs, which lead to addiction most easily , eg heroin;
2. a high wind – **a strong** wind;
3. a golden opportunity – **a very** good opportunity;

Идиомада ҳар икки компонент ҳам идиоматик маънода бўлади:

1. a pretty kettle of fish – a mix-up, a great state of confusion. It refers to a situation, not a person;
2. pretty much – almost, **very** nearly: Jane's party was pretty much the same as the last one she gave. The result was pretty much to be expected ;
3. pretty well – almost, **very** nearly: He's pretty well finished his latest book already;
4. to be in the seventh heaven – to be **very** happy, to be elated;
5. to come off / through with flying colours – to complete something **very** successfully;
6. to come out tops/on top (informal) – to do something with **the most** successful result;
7. to fall over oneself (to do something) – to be **extremely** eager (to do it);
8. to get the upper hand – to be in **the strongest** position;
9. to go up the wall (informal) – to become **very** angry or annoyed;
10. to hold one's sides with laughter – to laugh **very** heartily;

Интенсивликни ифодаловчи фразеологик бирликларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, сўз маъносини кучайтиришда **идиомалар** устунликка эга.

Фактик тил материалининг таҳлили компаратив фразеологик бирликлар ҳам интенсивлик ифодаловчи фаол воситалар эканликларини кўрсатди. Масалан: **as gaudy as a peacock, as gaudy as a butterfly** – these two are used of the extremely colourful way in which someone dresses.

Компаратив фразеологик бирликлар турли мақсад ифодаларини беришда фаол қўлланади. Масалан, ўта кўп овқат истеъмол қиладиган кишиларга нисбатан қуйидаги компаратив фразеологик бирликлар ишлатилади: **as greedy as a wolf, as greedy as a pig, as greedy as a dog** . Киши гавдасининг ўта семизлигини ифодалашда эса **as fat as butter, as fat as**

a pig кабилардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, инсон характери ёки унинг бирор хусусиятини ифодалашнинг тубандаги компаратив фразеологик бирликлар билан узвий боғланишини кўрамиз:

1. to drink like a fish – to drink **large** quantities of alcohol;
2. to eat like a horse – to eat **large** quantities of food;
3. to go like the wind – to move **very** fast, eg a car, a person running;
4. to run like a hare – to run **very** fast;
5. to sleep like a dog – to sleep **very** deeply;

Кўриб ўтганимиз сингари, лексик сатҳдаги сўз маъносини кучайтиришда фразеологик бирликлар ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда фразеологик бирликларни когнитив семантика, лингвокультурология нуқтаи назаридан ўрганишга эътибор ортиб бормокда. Зеро, фразеологик бирликлар миллий характерга эга бўлиб, маъно интенсивлигини ифодалашда ҳар бир халқ ўз фразеологик бирликлар тизимида эга.

Лексик усулдаги интенсивликнинг ифодаланишини куйидаги диаграммада кўрсатиш мумкин:



1.3.4. Интенсивликнинг стилистик троплар ёрдамида ифодаланиши

Маълумки, интенсивликни ифодалашда стилистик тропларнинг роли ниҳоятда каттадир. Сўзловчи стилистик троплар ёрдамида ўз фикрини тингловчига аниқ, бўрттириб, кучайтириб ифодалаш имкониятига эга бўлади.

Интенсивликни ифодалаш жараёнида инглиз тили тизимидаги деярли барча стилистик воситалар қатнашади. Энг кўп учрайдиган лексик- стилистик воситалардан биринчиси **simile** (қиёслаш)дир. Қиёслаш предметларнинг ўхшаш томонларини тўғридан тўғри кўрсатиш орқали ёки **like, as, as-as** сўзлари ёрдамида амалга оширилади. Масалан, 1. *For all her misgivings – and they were as plentiful as the moments of the day – she was still happy.* 2. *“And then Della leaped up like a little singed cat and cried, “Oh, oh!”*. 3. *The rustle of her pretty skirt was like music to him.*

Қиёслаш орқали маъно кучайтиришда кўпинча зоосемизмлар, флоризмлар, кийим-кечак номларидан кенг фойдаланилади. Масалан: 1. *Miss Chandwick wrinkled up her forehead and looked rather like a perplexed boxer dog.* 2. *Ann was looking like a young woman of thirty-five, with hair that fitted her like a black satin cap.*

Эпитет маъно кучайтирувчи стилистик восита бўлиб, у нарса ва шахснинг сифати ва белгисини кучайтирибгина қолмай, балки унинг маъносини тўлароқ, аниқроқ ифодалайди, эмоционал таъсирини кучайтиради. Эпитет воситасида кишида предмет ёки воқеа ҳақида аниқ тасаввур туғилади ва бу унинг кўз ўнгида яққол гавдаланади. Шу билан бирга, эпитет нарса ва воқеликдаги мавжуд белгини кўрсатибгина қолмай, у ифодалашининг таъсирчан бўлишини ҳам таъминлайди. Масалан: 1. *He's got the most beautiful mother, with lovely silvery hair and a young face with dark eyes.* 2. *"Don't you think that boy's mother is the most beautiful woman of her age you've ever seen."*

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, эпитетнинг эмоционал – баҳо аҳамияти мазкур воситани такрор қўллаш орқали янада кучаяди: *...it was an evil face, evil but very formidable, stern, craggy, high-nosed and fierce with an inexorable mouth which bespoke a nature which would neither ask for mercy nor grant it.*

Баъзан ифодалилиқни янада кучайтириш мақсадида метафорик эпитет кенг қўлланилади. Бунда киши, нарса, ҳодисага хос белги, хусусиятлар кўчирилган ҳолатларда бўлади: *She had received from her aunt a neat, precise, and circumstantial letter.*

Экспрессивлик ифодаловчи воситалардан яна бири **метафорадир**. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда метафорани стилистик троплар сифатидагина эмас, балки когнитив тилшунослик нуктаи назаридан уни билиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган когнитив механизм тариқасида ўрганишга эътибор кучаймоқда. Зотан, контекстуал метафора нарса-ҳодиса ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, нутқни ёрқин, ифодали қилади. Метафоранинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у инсонинг ички ва ташқи дунёсини бирлаштирган ҳолда ягона образ ярата олади. Метафорада тафаккурнинг асосини кўришга йўл топиш мумкин. Унда дунёни кўришнинг миллий-маданий хусусияти акс этган. Масалан: 1. *His face was very much agitated and very much flashed, and were strong workings in the features, and strange gleams in the eyes.*

Шуни таъкидлаш лозимки, бошқа стилистик троплар (антономасия, гипербола, литота ва бошқалар) қўлланилиш жиҳатдан кам учраса - да, улар ҳам нутқни таъсирчан қилишда ва маънони кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Қуйида мазкур троплар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Антономасия атоқли отларни турдош отлар сифатида қўллаш усулига асосланган стилистик воситалардан бири бўлиб, сўзловчининг эмоционал, баҳо муносабатларини ифодалашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда мазкур

воситани когнитив семантика нуқтаи назаридан таҳлил этишга қизиқиш ортиб бормокда.

Автономасиянинг когнитив моҳияти унинг бирор халқнинг тарихий, диний, адабий билимлари ҳақида муайян маълумотларни ифодалай олишида намоён бўлади. Масалан, куйидаги мисолда О.Уайлд “The picture of Dorian Gray” романининг бош қаҳрамонини мазкур восита орқали тасвирлаганини кўрамиз: *...and this young Adonis, who looks as if he was made out of ivory and rose-leaves.*

Young Adonis ибораси юнон мифологиясидаги Адонис образи билан боғлиқ. Юнон мифологиясида Адонис образи шу қадар тараққий қилганки, инглиз тилининг изоҳли луғатларида **Adonis** – a very attractive young man (чиройли ёш йигит) маъносида қўлланилади.

Баъзан бирор шахснинг жуда уддабуронлигини ифодалашда уни **Шерлок Холмсга** ўхшатилади. Масалан: *“I was forgetting that you had such a reputation as Sherlock”*.

У ёки бу нарса, хусусият, воқеа ва белгини ўта кучайтириб, бўрттириб тасвирлаш воситаларидан бири **гипербола (муболаға)дир**. Гипербола орқали ижодкор тасвирланаётган нарсани гоҳ бўрттиради, гоҳ мақтайди, гоҳ масхаралайди.

Гапдаги вазифасига кўра интенсификация ва гипербола бир-бирига яқин ҳодисалар ҳисобланади. Бизнинг ишимизда гипербола интенсивлик ифодаловчи восита деб қаралади. Гиперболада маънони кучайтириш даражаси ўта юқори эканлигини кузатамиз: 1. *Her family is one aunt about a thousand years old.* 2. *God, I cried buckets. I saw it ten times.*

Вақт тушунчасини ифодалашда ҳам гиперболали иборалар қўлланилади. Сўзловчи, айниқса, бирор вақт бўлагини таъкидламоқчи бўлганда, мазкур усулга кўпроқ мурожаат қилади: *for hours, months and months, a thousand wakeful nights, all the time in the world*.

Нутқ таъсирчанлигини ва сўз маъносини янада кучайтиришда **литота** ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан: 1. *Soames with his set lips and squared chin, was not unlike a bulldog.* 2. *The idea was not totally erroneous; The thought did not displease me.*

Шундай қилиб, сўз маъносини кучайтиришда стилистик воситалар асосий ўринни эгаллайди. Булар ичида энг фаоллари метафора, қиёслаш, эпитет, гипербола эканлигини қайд этиш мумкин. Қолган воситалар ҳам ўз ўрни билан экспрессивлик ифодалашга хизмат қилади. Сўз маъносининг стилистик воситалар орқали ифодаланишини ўрганиш стилистик таҳлил тамойилларини ишлаб чиқиш учун ҳам муҳимдир. Стилистик воситаларнинг сўз маъносига таъсир даражасини ўрганиш уларнинг коммуникатив моҳияти ва асосига чуқурроқ кириб боришга имкон беради. Сўз маъноларини кучайтиришда стилистик воситаларнинг иштироки интенсивлик ҳодисасининг

стилистик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Интенсивликнинг стилистик троплар ёрдамида ифодаланишини куйидагича кўрсатиш мумкин:

Интенсивликнинг синтактик сатҳда ифодаланиши

Маъно кучайтиришнинг синтактик усули гап қурилиши ва сўз бирикмалари орқали амалга оширилади. Бу усулнинг воситалари махсус синтактик ифодалар ва қурилмалардир. Маъно кучайтиришнинг синтактик усули коммуникацияда ҳам, борлиққа субъектив муносабат ифодалашда ҳам кўп қўлланилади. Маъно кучайтиришда синтаксис имкониятларининг бойлиги унинг асосий бирлиги гап билан узвий боғлиқдир. Бунда риторик сўроқ гаплар, инверсия, такрор кабилар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис уларни синтактик-стилистик воситалар деб ҳам юритилади. Мазкур воситаларнинг барчаси гап қолипида, унинг сатҳида шаклланади. Ана шунга асосланган ҳолда биз уларни синтактик усулдаги маъно кучайтирувчи воситалар сифатида таҳлил қиламиз.

Синтактик усулдаги маъно кучайтирувчи воситалардан бири *такрордир*. Бу восита маънони кучайтириш, интенсивлик ифодалаш ва эмоционаллик учун хизмат қилади. Сўзловчи ўз сезгиларига ва кўникмаларига таянган ҳолда муайян иборанинг нутқ муҳити билан мос эканлигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида такрорни юзага келтиради. Масалан: 1. *Oh, turn it off! I'm sick of all this talk, talk, talk of war. Can't you think of anything else.* 2. *She could think of things she would like to do, of clothes she would like to wear, and of places she would like to visit.*

Инверсия инглиз тили учун расм бўлган сўз, гапнинг предикатив қисмлари тартибини ўзгартириш орқали мазкур қисмларни ажратиб, бўрттириб, кучайтириб ифодалашдир. Масалан, 1. *Awfully nice of you sir. I'll drop in like a bird.* 2. *"Dead for all I know" said Soames, with sudden vehemence.*

Градация экспрессивликни бирин-кетин кучайтириб бориш усулидир. Бунда матндаги ҳар бир ибора ёки сўз ўзидан аввалгисига нисбатан кучлироқ,

таъсирчанроқ бўлиб боради. Масалан: *Threaten him!, Imprison him!, Torture him!, Kill him!*

Маъно кучайтиришнинг синтактик усулида риторик сўроқ гаплар, полисиндентон (кўп боғловчилик), параллелизм каби воситалар қўлланиш жиҳатдан кам учраса-да, уларнинг ҳам нутқ экспрессивлигини оширишда ўз ўринлари бор.

Риторик сўроқ гаплар тингловчидан тўлиқ жавоб талаб қилмаган ҳолда дарак мазмунидаги хабарнинг таъсирчанлигини оширишга, унинг эмоционал томонини кучайтиришга ёрдам беради: 1. *These vast buildings, what were they? These strange energies and huge interests, for what purposes were they there?* 2. *“Of all things in the world, don’t you think caution’s the most awful? Smell the moonlight!”*.


Полисиндентонда *and, or, then* каби боғловчилар такрор қўлланиши натижасида нутқ экспрессивлиги оширилади: 1. *And then, in a moment, she would come to life, and be as quick and restless as a monkey.* 2. *Mr. Richard, or his beautiful cousin, or both, could sign something, or make over something, or give some sort of undertaking, or pledge, or bond.*

Параллелизмда синтактик жиҳатдан бир хил тузилган қурилмалар, сўз ва иборалар такрорланиб келиб, экспрессивлик ифодалайди. Масалан, 1. *The sky was dark and gloomy, the air damp and raw, the streets wet and sloppy.* 2. *When wild geese honk high of nights, and when women without sealskin coats grow kind to their husbands, and when Soapy moves uneasily on his bench in the park, you may know that winter is near at hand .*

Фактик тил материалининг таҳлили синтактик усулдаги маъно кучайтирувчи воситалар ичида такрорнинг фаол эканлигини кўрсатади. Бу восита нафақат ёзма нутқда, балки оғзаки сўзлашув нутқида ҳам кенг қўлланилади.

Бизнингча, гаплардаги интенсивлик ходисасини ўрганиш семантик синтаксиснинг муаммоларини ҳал қилишнинг янги истиқболини очиб беради ва семантика билан синтаксис ўртасидаги ўзаро алоқаларни, узвий

боғланишни чуқурроқ англашга имкониятлар яратади. Инглиз тилида интенсивликнинг турли сатҳларида ифодаланиши қуйидаги кўринишга эга:



Интенсивлик ҳодисасини тилнинг турли сатҳларида ўрганиш фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, синтаксис каби фанлар орасидаги муносабатларни чуқурроқ англаш имконини беради.

Назорат саволлари:

1. Интенсивлик ҳодисасининг моҳияти нимада?
2. Интенсификатор ва интенсификат каби атамаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтириб беринг.
3. Интенсивликнинг экспрессивлик, эмоционаллик, образлилик, баҳолаш, таъкидлаш каби ёндош ҳодисаларга муносабатини изоҳланг.
4. Интенсивликнинг тилнинг турли сатҳларида ифодаланиши ва қайси сатҳ фаоллиги ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.
5. Фонетик сатҳда интенсивлик ифодалашда қайси усул фаол деб ҳисоблайсиз ?
6. Морфологик сатҳда интенсивлик ифодалашда фаол қатнашувчи префиксларни аниқланг.
7. Квантор сўзлар деганда нимани тушунасиз?
8. Компаратив фразеологик бирликларнинг хусусиятларини изоҳлаб беринг.
9. Фразеологик бирликларнинг миллийлик хусусияти нималарда кўринади?

10.Метафоранинг когнитив моҳиятини изоҳлаб беринг.

Адабиётлар

1.Абдуллаев А . Маъно кучайтиришнинг фонетик усули // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1969. - № 2. - Б. 55-58.

2.Абдуллаев А . Маъно кучайтиришнинг морфологик усули // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 1970. - № 1. - Б. 68-71.

1. Беручашвили И.Г. Системные и речевые интенсификаторы в современном английском языке : Автореф. дис.... канд. филол. наук. - Тбилиси, 1986. - 21 с.
2. Бозоров О. Частицы в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - М., 1968.-22 с.
3. Гаффарова Г. Синтаксические способы эмоциональной интенсификации испанского и азербайджанского языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Баку, 1997. - 24 с.
4. Герасимова Л.Я. Усилительные наречия в современном английском языке: Автореф дис. ... канд. филол. наук. - Л., 1970. - 22 с.
5. Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке. - М.: Высшая школа, 1990. - 173 с.

II қием
ИНТЕНСИВЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ

Когнитив тилшунослик ва концепт

Режа:

1. "Beauty" - "ugliness" ва "joy" - "suffering" концептларини ифодаловчи сўзларнинг компонент таҳлили.
2. "Beauty" - "Ugliness" ва "Joy" - "Suffering" концептларини ифодаловчи сўзларнинг структур таҳлили
3. "Beauty" - "Ugliness" ва "Joy" - "Suffering" концептларини ифодаловчи сўзларнинг интенсификаторлари

Таянч сўз ва бирикмалар:

Когнитив, когнитив фонология, когнитив грамматика, когнитив лексикология, когнитив семантика, когнитив стилистика, лексик-семантик майдон, лексик-семантик гуруҳ, концепт, фрейм, скрипт, сценарий, геишталът, компонент таҳлил, сода ўзакли сўзлар, ясама ва мураккаб ўзакли сўзлар, архисема, интеграл сема, дифференциал сема, эксплицит, имплицит, интенсивлик маркерлари, структур моделлар, икки компонентли, уч ва кўп компонентли сўз бирикмалар

Когнитив лингвистика ҳозирги замон тилшунослигида мустахкам ўрин эгаллаётган энг долзарб йўналишлардан биридир. Когнитив сўзи инглизча “cognize – билмоқ, англамоқ, тушунмоқ” дан олинган бўлиб, бу соҳа фақат фалсафадаги билиш назарияси билан чекланмай, балки тилни тафаккур (онг) билан боғлаб, унинг ҳосил бўлишидаги психологик, биологик ва нейрофизиологик жиҳатларнинг ижтимоий, маданий ва лисоний ҳодисалар билан узвий алоқасини чуқур илмий тадқиқ этади. Когнитив тилшунослик бу жиҳатдан психолингвистика, антропололингвистика, этнолингвистика, социолингвистика каби турли соҳалар билан боғланади.

Ш.Сафаровнинг фикрича, когнитив тилшуносликнинг вазифаси тил ёрдамида билим олиш ва сақлаш, тилни амалда қўллаш ҳамда узатиш, умуман, тил тизими ва таркибини инсон миясидаги инъикоси сифатида тафаккур билан боғлаб, чуқур илмий тадқиқ этишдир.

А.Абдуазизовнинг таъкидлашича, нутқнинг ҳосил бўлиши, узатилиши, хотирада онгли сақланиши каби мураккаб ҳодисаларнинг маркази мия нейронлари орқали амалга оширилади. Тилдаги турли бирликларнинг шакл ва мазмунини фарқлаб, турлича тушунча, концептлар, фреймлар ёрдамида миллий-маданий ва ижтимоий хусусиятларни ҳар бир халқ ёки этнос учун ўзига хослигини аниқлашда фонологик воситалар катта хизмат қилади. Инсон тили “товушли, овозли” бўлиб, у мазмунни ҳосил қилишда буюк аҳамиятга эгаллигини когнитив фонетика ва фонологияда ўрганилиши сабабли уни когнитив тилшуносликнинг асосий таркибий қисми эканлигини эътироф этиш лозим.

Инсоннинг кундалик воқеа-ҳодисаларга муносабати тилнинг когнитив назариясининг амалда қўлланиши билан ўзвий боғлиқдир. Зотан, биз йиллар давомида ҳосил бўлган ҳаёт тажрибамиз, билим ва кўникмаларимиз асосида воқеликдаги у ёки бу тарзда мавжуд бўлган нарсалар-предметлар, воқеалар, ҳодисалар ҳақида фикрлай оламиз ва ана шунга таянган ҳолда ўзаро сўзлашув жараёнида нутқимиз бекаму кўстлигига эришамиз.

Маълумки, билиш фаолияти инсоннинг воқеликни бевосита сезиши, ҳис этиши билан бошланади. Сизги идроки тафаккурда воқеликнинг ушбу парчаси рамзининг шаклланиши учун замин тайёрлайди. Воқелик идроки жараёнида билиш фаолияти ижрочиси – субъекти ва ушбу фаолият объектини ўзига хос ўзаро қарама-қаршилигига асосланган субъект-объект муносабати юзага келади. Билиш фаолиятининг барча босқичлари худди шу муносабат асосида кечади.

Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив йўналиш лексик-семантик сатҳдаги таҳлиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра тил умумий когнитив механизм бўлиши билан бирга, когнитив қурол тарзида ахборотнинг тақдимотини, код ёрдамида узатиш ва ўзгартириш вазифасини бажарувчи белгилар тизими ҳамдир.

Когнитив тилшуносликда инсонга хос бўлган когнитив тузилма ва усуллар ёрдамида ахборотни тўла эгаллаб олиш механизмлари ўрганилади. Зеро, интенсивликни ифодаловчи сўзлар ҳам борлиқ ҳақидаги билим ва тасаввурларни ифода этишга хизмат қилади.

Сўз маъносини англашда фақат унинг семантик тузилмасини билишимиз камлик қилади. Биз муайян тилда сўзлашувчи одамларнинг тафаккур хусусиятлари, фикрлаш тарзлари ва дунёни тил унсурлари ёрдамида билиш хусусиятларидан ҳам хабардор бўлишимиз лозим. Чунки мазкур

вазифаларни сўзларнинг соф лингвистик таҳлилига юклаш қийин. Бу эса тил ходисасининг табиатини, моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун унда сўзлашувчининг борлиқни билиши ва уни онгида “пишириб”, ўз тилида (нутқида) тингловчига бекам-кўст узатиши билан боғлиқ масалаларни ҳам тадқиқотларимиз кун тартибига қўйишни талаб қилмоқда.

Маълумки, инсон моддий оламда яшар экан, у ўз атрофидаги борлиққа (нарсаларга, ҳодисаларга, ўсимлик ва ҳайвонларга) ўз муносабатини билдиради. Масалан, ҳайвонлар ва қушларга хос ижобий, салбий хусусиятлар инсонга, унинг турмуши, одоб-ахлоқи ва ҳолатига тил ёрдамида ўхшатилади, кўчирилади ёки метафоризация қилинади. Бу ҳолатлар образли бўлганлиги учун инсон ҳиссиётига кучли таъсир қилади ва унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу тарздаги тил талқини масалага когнитив аспектда ёндашувни акс эттиради.

Профессор Д.Ашурова ўз мақоласида когнитив тилшуносликнинг мақсад ва вазифалари, ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларни кўрсатиб ўтади. Жумладан, ҳозирги даврда шаклланиб бораётган когнитив тилшуносликнинг когнитив фонология, когнитив грамматика, когнитив лексикология, когнитив семантика каби янги йўналишлари вужудга келганлиги таъкидланади. Когнитив ёндашув асосида сўз туркумлари, тил бирликларининг категорияларга бўлиниши ва концептуализациялашуви, тил ва дунёни билиш каби тушунчалар янгича талқинларга эга бўлади. Когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчалари тизимидан фрейм, сценарий, скрипт, категориялаштириш, концепт, концептуализация, когнитив структура, когнитив метафора кабилар ўрин олмоқда. Мазкур йўналишнинг асосий тадқиқ методларига фреймлар асосида таҳлил қилиш, моделлаштириш (когнитив харитасини яратиш), концептуал таҳлил сингарилар қиради.

Юқоридагилар билан бир қаторда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунги тилшунослигимизда фрейм, скрипт, сценарий, гештальт каби оралик тил бирликларини ўрганишга эътибор ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби когнитив тилшунослик муаммоларининг тадқиқотларимиз мундарижасидан ўзига муносиб ўрин олганлигидадир.

Когнитив тилшуносликнинг таянч тушунчаларидан бири – бу *концептдир*. Бу атама XX асрнинг 90 йилларига келиб кенг қўлланила бошлади. Концепт сўзи аслида латинча **conceptus** бўлиб, “тушунча” маъносини ифодалайди. Ҳозир ҳам кўпинча “концепт” терминидан “тушунча” сўзининг синоними сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, концепт термини математик логика, маданиятшунослик, психология каби фанларда ҳам фаол қўлланилмоқда.

Е.С.Кубрякова таъкидлаганидек, “концепт” термини тафаккур, англаш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш каби муаммолар билан шуғулланувчи когнитив психология ҳамда когнитив тилшунослик, лингвокультурология фанлари учун “соғибон” вазифасини ўтайди.

Тил инсон онгида концептни ифодаловчи ва шакллантирувчи воситалардан биридир. Концепт инсон ақлий дунёсидаги маданиятнинг асосий ячейкасидир. Концептлар инсон онгида нафақат сўзнинг луғавий маънолари асосида, балки шахсий ҳамда бутун бир халқнинг маданий-тарихий тажрибасидан келиб чиқиб пайдо бўлади. Тажриба қанча бой бўлса, концептнинг чегараси шунчалик кенг бўлади. Айнан шундай ҳолатда концепт ўзини ҳар томонлама намоён эта олади. Зотан, концепт дунёни билиш ва у ҳақда ўз тасаввурига эга бўлиш демакдир.

Интенсивликнинг концептуализациялашуви тил жараёни бўлиб, унда тил бирликлари маъно жиҳатдан қайта ишланади. Интенсификатор ҳам сўзга нисбатан қўлланади, натижада ўша сўзнинг концептига алоқадор бўлади.

Концептлар халқнинг онгида жамоа мероси сифатида, унинг маънавий мулки, маданияти сифатида намоён бўлади. Айнан жамоа онги (фикри) концептнинг яшовчанлигини таъминловчи муҳим воситалардан бири саналади.

Оддий тушунча ва концепт ўзининг фарқли ҳамда ўхшаш томонларига эга. Тушунча моддий борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг энг муҳим белгиларини ифодаласа, концепт уларнинг юзаки (ўта муҳим бўлмаган) томонларини ҳам ифодалай олади. Тушунча сўз орқали ифодаланади. Лекин тушунча ва сўз айнан бир нарса эмас. Тушунча бирор бир синфга кирувчи предметларни умумлаштириш ва бу предметнинг умумий ва фарқловчи белгилари мажмуаси асосида шаклланади. Бир умумий тушунча турли тилларда турли сўзлар орқали ифодаланади. Масалан, инглиз тилида – *water*, немис тилида *wasser*, ўзбек тилида *сув*, рус тилида *вода* каби. Ушбу мисоллар сўз маъноси ва тушунчанинг бир-бири билан зич алоқада эканлигини кўрсатади. Шу сабабли турли миллатлар тилларидаги сўзлар ўз маъносига кўра бир-бирига қисман ёки айнан мос келиши мумкин. Шунингдек, сўз тушунчанинг ифодаловчиси ҳисобланади ва шу асосда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш имконияти туғилади. Баъзи олимлар тушунча ва сўз маъносининг бир-бирига мос келишини таъкидлайдилар ҳамда шу асосда тушунча ва сўз маъносини моҳиятан бир нарса деб қарайдила. Бу масала мунозаралигича қолмоқда. Тушунча ва сўз маъносининг бирлиги нимада кўринади, деган савол туғилиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам бир хил предмет ёки ҳодисани ифодалайди, умумлаштиради. Бу тарзда уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тушунча сўз ва унинг маъносисиз мавжуд бўлмайди ва, аксинча, сўз тушунчанинг, фикрнинг ифодаловчиси ҳисобланади. Сўз маъноси тил категорияси, тушунча эса тафаккур категорияси бўлиши сабабли улар бир-биридан фарқ қилади.

Маълумки, тафаккур қонунлари объектив олам билан боғлиқ. Тушунча мазмуни миллатга боғлиқ эмас, у умуминсоний характерга эга. Шунинг учун ҳам турли миллат вакиллари бир-бирларини осон тушунади, фикр алмаша олади. Сўз эса миллий характерга эга бўлиб, мазкур халқ тилининг ўзига ҳос қонун-қоидалари асосида шаклланади. Шу боис ҳам бир сўзнинг маъноси

бошқа тилдаги сўз маъноси билан ҳар доим ҳам мос келавермайди. Б.Исмоилов ўз тадқиқотида рус тилидаги “стол” тушунчаси инглиз ва рус кишиси учун бир хил бўлса-да, уни лексик маъносига кўра инглиз тилидаги “table” сўзи билан бир хил маънода қўллаб бўлмаслигини тўғри таъкидлайди. Луғавий маъносига кўра концепт ва тушунча бир-бирига умуман яқин, лекин **концепт** тушунчага нисбатан кенг кўламга эга. Масалан “стол” сўзининг маъносини тушунтиришда биз “тўрт оёқли, уст қисми силлиқ, ёзиш ёки овқатланиш учун фойдаланиладиган мебел тури” деб изоҳлаймиз. Тушунчада столнинг энг муҳим томонлари акс этади, холос. Концепт лингвистик категория сифатида тушунча категориясини тил тизимида намоён этувчисиدير.

Академик И.И.Мешчанинов тушунча категориясига ойдинлик киритади. Унинг фикрича, тилда ифодаланаётган ҳар қандай нарсани тушунча категорияси деб бўлмайди. *Тушунча категориялари тилнинг турли сатҳларида, турли воситалар орқали ифодаланиш имкониятига эга бўлган тушунчалардир.*

И.И.Мешчаниновнинг тушунча категорияси ғояси асосида кейинчалик тилшуносликда “мазмуний майдон”, “функционал-семантик майдон”, “парадигматик ёки синтагматик майдон”, “лексик-семантик майдон”, “лексик-семантик гуруҳ”, “микромайдон”, “макромайдон” каби тушунчалар вужудга келди.

Концепт тил воситалари, лексик-семантик парадигмалар орқали намоён бўлади, яъни концептнинг умумий мазмунини бир марказга бирлашган семантик майдон ҳосил қилувчи лексик бирликлар ташкил этади. Бу майдонга қирувчи лексик бирликлар маъносига кўра бир-бири билан узвий алоқада бўлади.

Хуллас, концепт тушунчаси ўзида мантиқшунослик, психология, тилшунослик ва билиш назарияси фанларининг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлигини акс эттиради. Аниқроғи, концепт кўп қиррали, интегратив, яъни логик – лингвистик – гносеологик термин ҳамдир. Концепт тафаккур бирлиги ҳисобланиб, унинг асосида тушунча, маъно ва образ ётади ҳамда у билим умумлашмаси ёки “кванти” деб аталади. У юксак даражадаги мазмуний умумийликка эга.

*“Beauty” - “ugliness” ва “joy” - “suffering” концептларини ифодаловчи
сўзларнинг компонент таҳлили*

Интенсивликни концептлар нуктаи назаридан ўрганиш яхши самара беради. Бунинг учун бевосита компонент таҳлил методидан фойдаланиш мумкин. Шу боисдан ҳам ушбу метод ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Компонент таҳлил усулининг бош мақсади лексик бирликнинг маъносини семаларга бўлиб ўрганишдир. Чунки лексик бирликлар маъно структурасининг асосини худди шундай семалар ташкил қилади.

Тилшунослик тарихида бу метод ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Баъзи тилшуносларнинг фикрича, компонент таҳлил методи илк бор америкалик тилшунос А.Гуденаф ва Р.Лаунсбериларнинг ишларида қўлланилган. Кейинчалик ундан семасиологик тадқиқотларда фойдаланиш оммавий тус олди.

1930 - 1940 йилларда ҳам бир гуруҳ олимлар компонент таҳлил методидан фойдаланганлар. Булар жумласига Л.Ельмслев, Р.Якобсонларнинг ишларини киритиш мумкин. Улар Н.С.Трубецкий томонидан ишлаб чиқилган фонологик принципларни грамматика ва семасиологияда ҳам қўллаш кераклигини ёқлаб чиққанлар. Д.Лайонз бу методнинг Г.В.Лейбницнинг мантикий-фалсафий қарашларига мос келишини уқтиради.

1960 – 1970 йилларда мазкур таҳлил методи француз тилшунослик мактаби вакиллари А.Греймас, Б.Потьелар томонидан ҳам қўлланилган. Рус тилшунослигида эса ундан В.Г.Гак, Д.Н.Шмелев, Ю.Д.Апресьяларнинг тадқиқот ишларида фойдаланилганини кўрамиз. Умуман олганда, бу усул сўзнинг луғавий маъноси таркибини аниқлашда қўл келади.

В.Г.Гак сўзнинг семантик структурасидаги семаларнинг иерархиясига эътибор беради. У дастлаб Б.Потье қўллаган терминдан фойдаланиб, умумий сема сифатида архисемани ажратади. Сўнгра предметнинг хусусий, ўзига хос томонларини ифодаловчи фарқловчи (дифференциал) семалар белгиланади.

А.В.Кунин асосий сема сифатида интеграл ва дифференциал семаларни қайд этади. Агар интеграл семалар умумий ҳисоблананиб, сўзларни бир гуруҳга бирлаштириш учун хизмат қилса, дифференциал семалар фарқлаш функциясини бажаради.

Ҳозирги кунда компонент таҳлил методи юқори даражада мукаммаллаштирилган бўлиб, ундан семасиолог олимлар кенг фойдаланишмоқда.

Биз тадқиқотимизда юқорида номлари тилга олинган тилшунос олимларнинг сема тўғрисидаги фикрларига таянамиз ва дастлаб ҳар бир концептга хос бўлган архисемаларни аниқлаймиз. Хусусан, “beauty” концептини ифодаловчи сўзларнинг семантик структурасида “attractiveness” семаси мавжуд бўлиб, улар ушбу архисема асосида катта семантик майдонга бирлашади. “Ugliness” концептида “unpleasantness” семаси, “joy” концептини ифодаловчи сўзларда “happiness” ва “suffering” концепти учун “sadness” семаси архисема бўлиб, улар бу семантик гуруҳлар учун умумлаштирувчи маъно касб этади. Ушбу архисемалар сўзларнинг семантик структурасида *эксплицит* ёки *имплицит* тарзда намоён бўлади.

Архисеманинг эксплицит тарзда намоён бўлиши дейилганда унинг мазкур сўзнинг луғавий маъноси изоҳида яққол кўриниб туриши тушунилади.

Масалан: *lovely – very attractive; shapely – attractive in shape; hideous – very unpleasant; raptures – showing great happiness; heart-broken – extremely sad or upset.*

Имплицит тарзда намоён бўлишида эса сўзнинг семантик таркибида архисема маркерлари яширин ҳолда бўлади. Уларни фақатгина кўп босқичли дефиницион таҳлил орқали аниқлаш мумкин: *neaten → looking nice → attractive; aesthetic → the beautiful qualities of smth – extremely attractive.*

Таҳлил этилаётган сўзлар бир-биридан бирор функционал услубга хослиги ҳамда руҳий ҳолатни кучли ёки кучсиз даражада ифодалаш билан ажралиб туради. Тадқиқот объектимиз интенсивлик бўлгани учун ҳам ишимизда асосий диққатни дифференциал сема вазифасини бажарувчи интенсивлик маркерларига қаратдик. Ушбу маркерларга қуйидагилар киради: *very, extremely, so, strong, much, a lot of, more, great, sharp, deep and, etc.*

Инглиз тилининг Оксфорд, Уэбстер, Чемберс, Коллинз, Лонгмен, Хорнби, Макмиллан ҳамда бошқа изоҳли ва фразеологик луғатларини кўриб чиқиб, таҳлил қилинаётган сўзларнинг семантик гуруҳларини ташкил этувчи интеграл семаларни аниқладик. Интеграл семаларнинг айримларини жадвал тарзида кўрсатиб ўтамиз. Қолган лексик бирликларнинг интеграл семалари ҳам шу йўсинда аниқланади.

“**Beauty**” концептини ифодаловчи сўзларда 3 интеграл семаларнинг мавжудлиги маълум бўлди.

1) “**Look attractive**”. Ушбу сема инсоннинг умумий кўриниши ёқимлилигини ифодаловчи *beautiful, good-looking, lovely, beauteous, handsome, pretty, charming, fine, elegance, Adonis, picturesque, comely, cover – girl, prince – charming, appealing, cutie, belle, raving, beauty queen, dazzling, enchantress, glamorize, photogenic, good – looks, statuesque, quaint, florid, fetching, winsome, lovable, blooming, presentable, sort, sleek, elegant, grace, graceful flatter, primp, transfigure, clean – limbed, sublime, sweet, aesthetic, attractive* каби лексемаларнинг семемаларини (лексик маъноларини) бирлаштиради. Масалан:

1. I choose my friends for their good looks, my acquaintances for their good characters, and my enemies for their good intellects.
2. Oh, something like charming boy – poor dear mother and I absolutely inseparable.
3. He could not help liking tall, graceful young man who was standing by him.
4. She was an extraordinarily beautiful girl .
5. If he is like his mother he must be a good – looking chap.
6. I must confess that most of them are extremely pretty.
7. He tried to look picturesque but only succeeded in being untidy.

2) “**Pleasing appearance of someone**”. Инсоннинг қад-қомати, тана аъзолари ёқимлилигини ифодаловчи қуйидаги каби сўз ва сўз бирикмалар: *curve, shape, shapeliness, curvaceous, fair, fair-proportions, vital statistics, suit,*

goodly, showy, dainty, straight, fit, slightly, bright-eyed, petite, lean, svelte, slim, slender, buxom, rounded, well-turned, regular, well-proportioned, florid, artistic, manly, leonine, bony, rosy алоҳида кичик майдонга умумлашади. Масалан:

1. Marry took dainty bites from the sandwich.

2. She has a tall slender figure.

3. She had a slim youthful figure.

3) “Pleasing appearance of things and nature”. Қуйида, миқдор жихатдан оз бўлса-да, предметлар ҳамда табиат кўринишининг ёқимлилигини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини ажратдик: scenery, scenic, landscape, view, tidy, grandeur, gorgeous, spruce, neat, vision, polisher; neaten, snappy, fashionable, brightness, brighten, jewel. bejewel, pearl, resplendent and etc. Масалан: 1. The house was always neat and tidy. 2. Switzerland has some spectacular scenery .

Интеграл семаларни жадвалда қуйидагича акс эттириш мумкин:

(Beauty концептининг интеграл семалари) 1- жадвал

№	Words and word combinations	Look attractive	Pleasing appearance of someone	Pleasing appearance of things and nature
1	Lovely	+	+	+
2	Beautiful	+	+	+
3	Good looking	+		
4	Handsome	+		
5	Pretty	+	+	+
6	Charming	+	+	
7	Adonis	+		
8	Cover - girl	+		
9	Belle	+		
10	Beauty - queen	+		
11	Shape		+	
12	Fail		+	
13	Showy	+	+	
14	Slender		+	
15	Slightly	+	+	
16	Slim		+	
17	Fit		+	
18	Scenery			+
19	Scenic			+
20	Landscape			+
21	View			+

22	Neat			+
23	Florid		+	

Жадвалдан кўриниб турибдики, look attractive, pleasing appearance of someone, pleasing appearance of things and nature семалари ўз гуруҳларидаги сўзларни умумлаштиради, бир-бирига нисбатан дифференциал (фарқловчи) сема вазифасини бажаради, яъни 3 интеграл сема остида кичик семантик гуруҳларга ажралган сўзлар бир-биридан дифференциал семалари билан фарқланиб туради. Тадқиқотнинг кўрсатишича, “beauty” концепти маъносини ифодаловчи сўзларнинг кўп қисми инсон ташқи кўринишининг турли ҳолатлари, сўнг инсоннинг қад-қомати, шунингдек, оз миқдорда бўлса-да, предмет ва табиатнинг чиройлилигини ифодалаш учун хизмат қилади.

Биз юқоридаги сўзларни интенсивликка муносабати бўйича 2 гуруҳга бўлдиқ: а) ўз семантик структурасида интенсивлик ифодаловчи; б) семантик структурасида интенсивлик ифодаламайдиган сўзлар.

Интенсивликни *кучли даражада* ифодаловчи сўзлар гуруҳининг семантик структурасида интенсивлик маркерлари мавжуд бўлади. Масалан: 1. exquisite – **extremely** beautiful and delicate: There was an exquisite poison in the air .

2. charming – **very** attractive and pleasant: You are too charming to go in for philanthropy, Mr. Gray – far too charming .

3. gorgeous – you mean it gives you **a lot of** pleasure or enjoyment. а) very beautiful: When he saw me, and he took off his hat with an air of **gorgeous** servility .

4. lovely – very attractive: She had lovely hair .

5. belle – a very beautiful girl or woman.

Интенсивлик ифодаламайдиган сўзларда мазкур маркерлар уларнинг дефинициясида мавжуд бўлмайди. Шунинг учун уларни алоҳида гуруҳга ажратдик. Масалан:

1. good looking - **attractive**, especially with an attractive face. I am bound to state that the never told me he was good-looking .

2. picturesque – 1) a picturesque place or same is attractive 2) used about peoples clothes an appearance. They make one's rooms look so picturesque

3. smart – 1) clean I neat in appearance I dressed in nice fashionable clothes. She has got some smart women with her.

4. becoming – making you look attractive : Her new hairstyle was becoming .

5. grandeur – an impressive quality that a place, object, or occasion has.

Ugliness концептини ифодаловчи сўзларда ҳам 3 интеграл сема борлиги аниқланди.

1) “Unpleasant to look at”. Мазкур интеграл сема остига инсон кўринишининг ёқимсизлигини ифодаловчи қуйидаги сўзларни киритдик: ugly, uglify, hideousness, graceless, clumsiness, inelegance, plain, no beauty, haggard, fading - beauty, scarecrow, horror, gargoyle, grotesque, unhandsome, shocking,

repulsive; loathsome, dislike, graceless, unaesthetic, vulgar ill - dressed, dowdy, irregular, witch, harridan, uncouth and, etc.

2) “Not attractive to look at”. Бу гурӯҳ инсон қад-қомати, тана аъзоларининг ёқимсизлигини ифодаловчи: distorted, disfigure, amorphous, asymmetrical, ill-shaped, misshapen, blemish, wrinkled, worn, abortion, defacement, mutilation, demormity, unshapeliness каби сўзларни бирлаштиради.

3) “Unattractive appearance of things and nature”. Табиий предметларнинг ёқимсизлигини билдирувчи: unpicturesque, squalid, dingy, object, eyesore, sight, blot on landscape, homelessness, grim – visaged каби сўзлар семантик дефинициясига кўра мазкур интеграл сема асосида бир семантик майдонга бирлашади. Уларнинг интеграл ва дифференциал семалари жадвалда қуйидаги кўринишга эга (2-сонли жадвалга қаранг).

(Ugliness концептининг интеграл семалари)

2 жадвал

№	Words and word combinations	Unpleasant to look at	Not attractive to look at	Unattractive appearance of things and nature
1	Ugly	+	+	+
2	Dingy			+
3	Squalid			+
4	Eyesore			+
5	Repulsive	+		
6	Hideous	+	+	+
7	Foul	+		+
8	Odious	+	+	
9	Gruesome	+		
10	Loathsome	+		
11	Ill – shaped		+	
12	Amorphous		+	
13	Misshapen		+	
14	Graceless	+	+	
15	Deformity		+	
16	Blemish		+	
17	Disfigure		+	
18	Grim-vased		+	
19	Unseemly		+	
20	Wrinkled		+	

Тадқиқ этилаётган концептни ифодаловчи сўзлар бир-биридан аввало интенсивликка муносабати жихатидан фарқ қилади. Шулар асосида “ugliness” маъносини ифодаловчи сўзларни 2 гуруҳга: а) семантик структурасида интенсивлик маркери мавжуд бўлган; б) интенсивлик маркери бўлмаган гуруҳларга ажратдик.

а) семантик структурасида интенсивлик маркерлари мавжуд бўлган сўзлар:

1. grotesque – a person or the thing that is **extremely** strange or ugly: The thing whose grotesque misshapen shadow on the spotted carpet .
2. hideous – **very** ugly or frightening in appearance a) very unpleasant b) informal used for emphasizing that someone or smth is not attractive. As he draw the curtain aside a hideous laugh broke from the painted lips of the woman who had taken his money.

б) семантик структурасида интенсивлик маркери мавжуд бўлмаган сўзлар:

1. graceless – not attractive;
2. misshapen – badly formed or twisted out of the usual or natural shape;
3. disfigure – to spoil the appearance of someone or smth;

Beauty ва **ugliness** концептларини ифодаловчи сўзларнинг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, фарқли ва ўхшаш томонларни кўриш мумкин. Аввало, ҳар иккала концептни ифодаловчи сўзлар учун интеграл семалар тенг миқдорда ва ўхшаш бўлиб, фақатгина “ёқимлилиқ” ёки “ёқимсизлик” семалари орқали бир-биридан фарқланади. Семантик структурасида “ёқимлилиқ” ҳисси юқори даражада бўлган сўзлар миқдори “ugliness” га қараганда кўп (100 – 30). Шунинг учун ҳам семантик структурасида интенсивлик семаси бўлмаган сўзларнинг маъносини кучайтириш учун қўлланиладиган интенсификаторлар аксарият ҳолларда **ugliness** концептини ифодаловчи сўзларда учрайди.

“Joy” концепти инсоннинг ижобий руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, бу жараён кишиларда турли даражаларда (юқори ёки паст даражада, узоқ ёки қисқа муддатли) кечади. “Joy” концептини ифодаловчи сўзларда 2 интеграл сема аниқланди. Улар қуйидагилар:

1) Feeling of happiness: felicity halcyon days, rejoice, ecstasy, transport, exhilarate, rapture, rejoicing, bliss, radiant, delight, joy, joyous, joyful, relish, hug oneself, tickled to death, kick, blissful каби сўзларни ўз ичига олади .

2) Feeling pleased: gratify, pleasant, enjoy, have the pleasure, take the pleasure in, gambol, laugh, merriment, epicureanism, merry – making, fun, bask, luxuriating, congratulate, holidays, honeymoon, like, satisfaction, gratification, blithe, glee, content, fulfillment, be cheerful, purr, goad, gloat, fortunate, prosperous pleased as a punch каби сўзларни жамлайди (3-сонли жадвалга қаранг).

“Joy” концептининг интеграл семалари

	Words and word combinations	Feeling of happiness	Feeling pleased
1	Rapturous	+	
2	Delight	+	
3	Fulfillment	+	
4	Gloat	+	
5	Exaltation	+	
6	Blissful		+
7	Kick		+
8	Ecstasy	+	
9	Radiant	+	
10	Glad		+
11	Glee	+	
12	Enjoyment		+
13	Gratify		+
14	Content	+	
15	Seventh heaven	+	
16	Relish		+
17	Gratification		+
18	Satisfaction		+
19	Tickled to death		+
20	Blessed	+	+

Жадвал орқали feeling of happiness ҳамда feeling pleased семалари ўз гуруҳларидаги сўзлар учун интеграл, бир-бирига нисбатан эса фарқловчи сема вазифасини бажараётганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил этилаётган сўзлар “хурсандлик” ҳолатини турли даражада ифодалайди.

а) “хурсандлик” ҳолатини интенсив ифодаловчи сўзлар:

1. joy - a feeling **a great** happiness; 2) smth that makes you feel very happy or pleased: A look of joy came into his eyes, as if he had recognized himself for the first time.
3. ecstatic - **extremely** happy or pleased.
4. enraptured - literary enjoying smth **very** much.
5. exhilarated - **extremely** happy excited and full of energy: The risk exhilarated.
6. radiant – someone who is radiant looks **extremely** happy каби.

б) “хурсандлик” ҳолатини интенсив ифодаламайдиган сўзлар:

1. glad - happy and pleased about smth : I’m glad he finally called you.

2. excitement – the feeling of being excited : Excitement and fatigue rendering me incapable of eating.
3. pleased – happy and satisfied : I was still looking at them, I also at intervals examining the teachers – none of whom precisely pleased me.
4. enjoyment – pleasure that you get from on activity or experience: I discovered, too, that a great pleasure, an enjoyment which the horizon only bounded.
5. gratify – to make someone feel pleased and satisfied : She was gratified to find that her advice was of some visa.

Инглиз тилида **suffering** концепти инсоннинг салбий рухий ҳолатини ифодалайди. Ушбу ҳолат кишиларда узоқ ёки қисқа муддат (кучли ҳамда кучсиз даражада) давом этади. “Sadness” архисемаси орқали умумлашган сўзлар мазкур ҳолатни ифодалашига кўра 7 интеграл сема остида кичик семантик майдонларга ажралади :

1. “Feeling sad” интеграл семаси остига 50 га яқин сўзлар киритилди: remorseful, unhappy about, woe, grief, sorrow, regretful, regretting, unhappy, lament, pitiable, melancholic, melancholy, woebegone, regret and, etc.
2. “Feeling worry” интеграл семаси 30 та сўзларни жамлайди: fret, care - worn, apprehensive, thought, malaise, concern, care, incubes, prey, nervous, dismay, angst, disquite, agonize and, etc.
3. “Feeling problem” интеграл семаси 20 та сўзларни ўз ичига олади: burden, bane, tribulation, problem, load, sufferer, affliction, stricken, inconvenience, adversity and, etc.
4. “Feeling unpleasant or unhappy” интеграл семаси 30 га яқин сўзларни умумлаштиради: condemned, put up with, subject, resentful, mind, hell, ordeal, endure, pain, misery, sick, doomed, despondent, wretched, evil, unpleasantness and, etc.
5. “Feeling pain” интеграл семасига 30 га яқин сўзларни киритиш мумкин: agony, torment, discomfort, wince, smart, twinge, rack, wounded, sting, headache, suffering, worry and, etc.
6. “Feeling bad” интеграл семаси ўз остига 20 га яқин сўзларни бирлаштиради: despair, unlucky, victim, enigma, dupe, iron, crucifixion, mortified, mortification, discontented, shock and, etc.
7. “Feeling angry or annoy” интеграл семаси таркибига 20 тага яқин сўзларни киритиш мумкин: bleeding, cares, displeased, wretchedness, bane, rexation, chagrined, accursed, kick oneself, passion, wild – eyed and, etc. (4-сонли жадвалга қаранг).

“Suffering” концептининг интеграл семалари

4 - жадвал

	Words and word	Feeling of sad-ness	Feeling of	Feeling problem	Feeling pain	Feeling unpleasant or	Feeling bad	Feeling angry or
--	----------------	---------------------	------------	-----------------	--------------	-----------------------	-------------	------------------

	combinations		worry			un happy		annoy
1	Woe	+						
2	Grief	+						
3	Sorrow	+						
4	Blow	+						
5	Heartache	+						
6	Malaise		+					
7	Thought		+					
8	Apprehensive		+					
9	Care – worn		+					
10	Fret		+					
11	Bane			+				
12	Burden			+				
13	Tribulation			+				
14	Load			+				
15	Adversity			+				
16	Flinch				+			
17	Discomfort				+			
18	Wince				+			
19	Writhe				+			
20	Smart				+			
21	Subject					+		
22	Put – up					+		
23	Condemned					+		
24	Go through it					+		
25	Rack					+		
26	Unlucky						+	
27	Evil						+	
28	Despair						+	
29	Unfortunate						+	
30	Bane							+
31	Wretchedness							+
32	Kick oneself							+
33	Accursed							+
34	Chagrin							+

Тадқиқ этилаётган сўзлар семантик структурасидаги интенсивлик даражасига кўра 2 гуруҳга бўлинади: а) интенсивлик маркерларига эга бўлган сўзлар:

1. distress – to make someone feel **very** unhappy, worried or upset: My son, you distress me very much.
2. woe – a strong feeling of sadness.
3. endure - to suffer smth difficult or unpleasant in a patient way over **a long** period. In the wild struggle for existence, we want to have smth that endures.

б) интенсивлик маркерига эга бўлмаган сўзлар:

1. suffering – mental or physical pain or problems: I can sympathize with everything except suffering said Lord Henry.
2. regret – to feel sorry or sad: I should most keenly have regretted the separation.
3. unhappy – feeling sad or upset: Whose generosity the unhappy girl repaid by an ingratitude so bad .

“Joy” - “Suffering” концептларини ифодаловчи сўзларнинг таҳлилида ўхшаш ва фарқли томонларни кузатиш мумкин. Ҳар икки концепт ҳам бевосита инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалаб, бир-биридан “ижобийлик” ёки “салбийлик” семалари бўйича ажралиб туради. **Joy** концептини ифодаловчи сўзларда 2 интеграл сема аниқланган бўлса, **suffering** концептини ифодаловчи сўзлар 7 интеграл сема орқали кичик семантик майдончаларга бирлашади. Ушбу концептда интеграл семаларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги, юқорида айтиб ўтилганидек, кўпроқ ижтимоий-руҳий омилларга боғлиқ: ҳамма яхши нарсалар, воқеа, ҳодисалар меъёр ҳисобланади.

Семантик структурасида интенсивлик маркерлари мавжуд бўлмаган сўзларнинг маъносини кучайтиришда интенсификаторлардан фойдаланилади.

“Beauty” - “Ugliness” ва “Joy” - “Suffering” концептларини ифодаловчи сўзларнинг структур таҳлили

Интенсивлик ифодаловчи сўзларнинг тузилиш йўллари ва шакллари эритмай туриб, уларнинг семантик таҳлили ҳақида гапириб бўлмайди. Бунинг сабаби семантиканинг ўзи ҳеч қачон шаклдан ажралган ҳолда мавжуд бўлмаслигидир. Бизнинг асосий мақсадимиз сўз структураси унинг маъноси кучайтирилишига ёки интенсификатор танланишига таъсир этишини аниқлашдан иборат.

Фактик тил материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, “beauty” концептини ифодаловчи сўзларнинг 25 % содда негизли (ўзак) сўзлар (beauty, charm, form, sweet and, etc), 35 % – ясама (loveliness, brightness, attractiveness and, etc), 26 % – қўшма (good-looking, well- favoured) сўзлар ва 10 % сўз бирикмаларидир (make bright, go well, set off) .

“Ugliness” концептини ифодаловчи сўзлар структурасида ҳам шунга ўхшаш манзарани кўриш мумкин. Жами сўзлардан 16 % – содда негизли (blot, dingy, poky, spoil, wan and, etc), 40 % – ясама сўзлар (ugliness, unsightness, disfigured and, etc), 21 % – қўшма сўзлар (ill-shaped; ill-favoured), 20 % – сўз бирикмаларидир (make ugly, not one’s tupe and, etc). Кўриниб турибдики,

“ugliness” концептидаги ясама сўзлар миқдори содда негизли сўзлар миқдорига қараганда кўпроқ.

Агар ҳар иккала концепт таркибига кирувчи сўзларни тузилиш жиҳатдан таққослайдиган бўлсак, баъзи фарқли томонларни кузатиш мумкин. Биринчидан, содда негизли сўзлар миқдори “beauty” концептида “ugliness”га қараганда кўпроқ (25 % – 16%). Аммо ҳар иккала концептни ифодаловчи ясама ва қўшма сўзлар миқдори деярли тенг келади (35 % – 40 %), - (26% – 21 %).

Тадқиқотнинг кўрсатишича, “beauty”–“ugliness” концептларини ифодаловчи кўп миқдордаги сўзларни, асосан, ясама сўзлар ташкил этади. Таҳлил натижаларидан яна шу нарса маълум бўлдики, олд қўшимча (префикс)лар ёрдамида сўз ясалиш ҳодисаси “beauty” концептида яхши тараққий этмаган. Бу ҳодиса кўпроқ ugliness концептига хос бўлиб, бунда **un- ir- dis-, in-, mis-** префикслари анча фаол ҳисобланади. Масалан:

1. unhandsome, ungraced, unartistic, unaesthetic and, etc;
2. dislike, disfigured, disfiguration, disproportioned and, etc;
3. inelegant, inartistic, indelicate and, etc;
4. misshape, misshapen, misbegotten and, etc.

Суффикслар орқали сўз ясалиши ҳодисаси ҳар иккала концепт учун ҳам хосдир. Бунда энг фаол суффикслардан қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ly, ness, ous. Масалан, ” **beauty**” концептида: lovely, goodly, shapely, manly, stately, brightness, fairness, loveliness, attractiveness, gracefulness and, etc; “**ugliness**” концептида: homely, grisly, ghastly;

ous суффикси фақат “beauty” концептида учради: attractious, beauteous, curvaceous каби.

Префикс + суффикс ёрдамида сўз ясалиши асосан “ugliness” концептини ифодаловчи сўзлар учун хос. Мазкур воқелик тадқиқотимиз материали таҳлили жараёнида бевосита кузатилди. Масалан: unshapely, unshapeliness, unsightliness, unseemly, ungainly and, etc.

“Joy” – “Suffering” концептларини ифодаловчи сўзлар устида олиб борилган кузатувларимиз **joy** ифодаловчи сўзлар миқдорининг **suffering** ифодаловчи сўзларга нисбатан кўп эканлигини кўрсатди (200 –150).

Агар сўз ва сўз бирикмаларини сон жиҳатдан таққослайдиган бўлсак, улар ўртасида баъзи фарқли томонларни кўриш мумкин. Содда ва ясама сўзлар миқдори деярли бир хил (22 % –21 %), қўшма сўзлар миқдори 32 % – 41 % бўлса, сўз бирикмалари эса 22 % – 16 %. Префикслар ёрдамида сўз ясалиши асосан “suffering” концептига хос. Ушбу концептда ҳам un-, dis-, in- префиксларининг фаоллиги аниқланди. Масалан: unhappy, unlucky, unfortunate, discomfort, displeased, disquiet, inconvenience and, etc.

Суффикслар ёрдамида сўз ясалиши ҳар иккала концептга хос. Масалан, “**joy**” концептида: gladness, joyousness, joyfulness, blessedness, enchantment, ravishment, enjoyment, merriment, refreshment, amusement.

“suffering” концептида: bitterness, sadness, hopelessness. Лекин **ment** суффикси “suffering” концептини ифодалашда жуда кам қўлланилади.

”Beauty”-“ugliness” ва ”joy”-“suffering” концепти маъносини англатувчи сўз ва сўз бирикмаларининг структур таҳлили асосида уларнинг қуйидаги фарқли томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) префикс (олд қўшимча) ёрдамида сўз ясаиши асосан “ugliness” ва “suffering” концептига хос бўлиб, у ”beauty”- “joy” концептини ифодалашда кенг қўлланмайди. Чунки ”beauty” ва “joy” концептлари инсоннинг ижобий хис-туйғуси билан боғлиқ;

б) инкор маъно ифодаловчи префикслар эса (dis-, ir-, in-, un-) кўпроқ “ugliness” ва “suffering” концептида учрайди ва сўзнинг инкор маъносини кучайтиришга хизмат қилади.

Ишимизнинг кейинги босқичида таҳлил этилган сўзларнинг сўз бирикмалари ҳосил қилишдаги иштироки ва бу бирикмаларнинг структур моделлари ҳақида фикр юритамиз. Биз мазкур сўз бирикмаларини уларнинг компонентлари таркибига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратдик: а) икки компонентли; б) уч компонентли; в) кўп компонентли.

Таҳлил жараёнида икки компонентли сўз бирикмаларининг уч ва кўп компонентлиларга нисбатан кўплиги аниқланди. Уларнинг структур моделларини қуйидаги жадвалда келтирамиз:

5 - жадвал

Концепт-лар	Моделлар	Сўзлар миқдори	Мисоллар
Beauty	V+adj	2	Make bright
	V+adv	1	Go well
	V+prep	1	Set off
	Adj+N	12	Fair proportions, good looks, good taste, vital statistics.
	N+pr+N	3	Thing of beauty
	N+pr+adj+N жами:	1 20	Sight for sore eyes.
Ugliness	V+adj	1	Make ugly
	Adj+N	6	Ugly person, aesthetic crime
	Not+pr+N	1	Not one's type
	No+adj+n жами:	3 11	No oil pointing

Joy	Adj+N	9	Palmy days, halcyon days, golden age, happy home
	Pr+N	3	In bliss, in paradise
	V+prep	4	Hug oneself, amuse oneself
	V+prep+N	7	Go into estatics, tickled to death
Suffering	V+N+prep	7	Take pleasure in
	жами:	30	
	Adj+N	12	Evil days, iron age, arching heart
	V+N	8	Suffer torment, feel pain
	V+pronoun	3	Kick oneself, pity oneself.
	v+pr+adv	1	Take it badly.
	n+pr+n .	5	death in life , pain of hell.
	v+adj+n	3	Have a thin time
	v+pr+n	3	Go through it
	Жами:	35	

Жадвалдан кўриниб турибдики, “beauty” концептида икки компонентли сўз бирикмалари миқдори 16 та. Уч компонентли сўз бирикмалари 4 та, кўп компонентли сўз бирикмалари миқдори эса жуда оз. Икки компонентли сўз бирикмалари қуйидаги структур моделларга эга: V+adj, V+adv, V+prep, adj+N.

Уч компонентли сўзлар модели: V+N+prep, N+prep + N.

Кўп компонентли модел : N+prep+adj+N

“Ugliness” концептида икки компонентли сўз бирикмалари миқдори 7 та, уч компонентли сўз бирикмалар 3 та, кўп компонентли 1 та. Икки компонентли сўз бирикмалари қуйидаги моделларга эга: V+adj , Adj+N

Уч компонентли сўз бирикмаларинг моделлари: Not+prep+N, Not+prep+N.

“Joy” концептини ифодаловчи сўзлар гуруҳида икки компонентли сўз бирикмалари миқдори 16 та, уч компонентлилар эса 14 та бўлиб, улар қуйидаги моделларга эга:

1. adj+N - palmy days, halcyon days, golden age, happy home.
2. prep + N - in bliss, in paradise

Уч компонентли сўзлар қуйидаги моделларга эга:

1. V+prep+N - go into estatics, tickled to death
2. V+N+prep – take pleasure in

“Suffering” концептини ифодаловчи сўз бирикмаларининг миқдорини 35 та санадик. Шундан икки компонентлиси 23 та, уч компонентли 12 та, кўп компонентли сўзлар миқдори жуда оз бўлиб, уларнинг моделлари куйидагичадир:

1. adj + N - evil days, iron age, arching heart
2. V+N - broken heart, feel pain .
3. V+prep + N – tale of woe, object of composition.

Структур таҳлил натижалари икки компонентдан иборат бўлган сўз ва сўз бирикмалари барча тадқиқот олиб борилаётган концептларда анча фаол эканлигини кўрсатди. Бунда Adj + N структур модели устунликка эга. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатнинг кўпроқ от билан бирикишидир.

*“Beauty” - “Ugliness” ва “Joy” - “Suffering” концептларини
ифодаловчи сўзларнинг интенсификаторлари*

Интенсификаторлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, интенсивликни кучсиз даражада ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Ушбу қисмнинг асосий мақсади инглиз тили изоҳли луғатларидан ва И.И.Убиннинг “Англо - русский словарь усилительных словосочетаний” луғатидан интенсификаторларни йиғиш, уларни концептлар бўйича тақсимлаш, ҳар бир концептдаги энг фаол интенсификаторларни аниқлаш, барча концептлар учун хос бўлган универсал интенсификаторларни қайд этиш, турли концептларни ифодаловчи лексик бирликларнинг структуралари ва уларнинг интенсификатор танлашга муносабатини ўрганиш, яъни сўзларнинг структураси уларнинг маъносини кучайтириш учун интенсификаторлар танланишига таъсир қиладими-йўқми, деган саволга атрофлича жавоб қидиришдан иборат. Қўйилган мақсадга эришиш учун ҳар бир концепт таркибига кирувчи интенсификаторларни алоҳида-алоҳида ўргандик.

Таҳлил жараёнида “beauty” концептини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтириш учун 120 га яқин интенсификатор иштирок этиши аниқланди. Биргина “beauty” сўзининг маъносини кучайтириш учун бир нечта интенсификатор қатнашади. Уларни куйидаги кўринишда тасвирлаш мумкин:

devil, like the raven, black as raven's wing, black as a sloe, black as a coal, black as ink, black as jet, black as pitch, mute as a fish, mute as a mackerel, mute as a mouse, mute as a stone ва бошқа компаратив конструкцияларни қўллаш қонуний тусга кирганлигини кўриш мумкин. Булардан ташқари, куйидаги интенсификаторлар мазкур концептни ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтиришда энг фаол ҳисобланади: *terribly, violently, unspeakably, shockingly, frightfully, unbelievably, permanently, tremendously*.

“Beauty” ва “ugliness” концептларини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтирувчи интенсификаторларни ўзаро таққослайдиган бўлсак, фарқли ва ўхшаш томонларни кўришимиз мумкин. Айни пайтда, аввало, “beauty” концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар миқдори “ugliness”га нисбатан кўп эканлигини қайд этиш лозим (150-120 та). Содда негизли сўзлар маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар миқдори “хунуклик” (ugliness) концептида кўпроқ. Ясама, қўшма сўзлар ва сўз бирикмаларининг маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар миқдори эса ҳар иккала концептда деярли тенг миқдордадир.

“Joy” концептини ифодаловчи сўзларда интенсификаторлар кўпроқ содда сўзлар билан бирикади. Улар куйидагилар: *acute(ly), deeply, eternal, fierce(ly), furious(ly), great(ly), immense(ly), profound(ly), unbelievry, unspeakable, wild, amazingly, awfully, wholly, extremely*. Масалан: ... he said, “I’m awfully pleased to see you.

Ясама сўзлар маъносини кучайтиришда *deep(ly), great(ly), highly, profoundly, extremly, fantastically, hilariously, absolutely, immense(ly), gorgeous, unspeakable* каби интенсификаторлардан фойдаланилади. Масалан: Her spirits were greatly subdued now when the fact of entering upon strange and untried duties confronted her. Қўшма сўзлар маъносини кучайтиришда эса *deeply, greatly, highly, profoundly, extraordinarily, fantastic, unspeakable, powerfully, vastly, absolutely, extremely, immensely, utterly* интенсификаторлари жуда фаол қатнашади.

“Joy” концептининг энг фаол интенсификаторлари сифатида *extremely, highly, completely, profoundly, immensely, greatly, deeply, breathlessly, fiercely, awfully, tremendously, absolutely* кабиларни қайд этиш мумкин.

Ниҳоят, suffering концепти ифодаланиши жараёнида интенсификаторларнинг содда негизли (бир ўзакдан иборат) сўзлар билан бирикиши кўп кузатилди. Буни куйидагиларда кўрамиз: *awfully, terribly, cruelly, enormously, everlasting(ly), intensely, mortal(ly), severely, wretched(ly), anxious, great(ly), deep(ly), amazing(ly), horribly, frightfully, extremely and, etc.*

Deadly, desperately, immensely, infinitively, acutely, intensely, keenly, severely, unbearably, unbelievably каби интенсификаторлар кўпроқ ясама негизли сўзларнинг маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Масалан: *The loss of her husband to cancer was unbearably painful*. Қўшма сўзлар

маъносини кучайтиришда *deadly, dreadful, enormous, great, terrific, deeply, consonantly, terribly* интенсификаторлари фаол қатнашади.

Suffering (азоб чекиш) концептини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтиришда бошқа концептлардаги сингари **as** боғловчили конструкциялардан фойдаланилади. Масалан: *bitter as gall, bitter as wormwood, poor as a rat, poor as a church mouse*. Мазкур концептнинг энг фаол интенсификаторлари сифатида эса *desperately, deeply, bitterly, mortally, dreadfully, greatly, extremely, awfully, utterly, overwhelmingly* кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан: *It was bitterly cold*.

Бу ўринда “joy” ва “suffering” концептларини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтирувчи интенсификаторларни таққослайдиган бўлсак, улар ўртасида баъзи фарқли ва ўхшаш томонларни кўриш мумкин:

а) “suffering” концептини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар микдори “joy” га нисбатан кўпроқ.

б) содда ва кўшма сўзлар маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар микдори “suffering” концептида кўпроқ (25-10); (25-3)

с) ясама сўзлар маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар микдори деярли тенг (10-7).

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, куйидаги интенсификаторлар фақат “beauty” концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтириш учун хизмат қилади: *angelic, arresting, eternal, fabulous, glamorous(ly), glorious(ly), ideal, majestic, raving, startling, tearing, unmatched, adorably, magnificently, matchlessly, gracefully, unbelievably*. Компаратив оборотлар ҳам шундай вазифани бажаради: *sweet as honey, ~ as sugar, rich as Croesus*. 1. *She was an arresting figure in her bright summer dress*. 2. *You look fabulous*. 3. *It's a very glamorous holiday destination*.

Шунингдек, *breathlessly, callestial, divinely, radiant, marvelous, rare, unearthly, unforgettable, foundlessly, heavenly, irrestable, magic, majestic, unique, childishly, amazingly, fervently, comicaly, damned, hilariously, immortal* ва бошқа интенсификаторларнинг ҳам “beauty” ва “joy” концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтириш учун хизмат қилиши қайд этилди.

“Ugliness” концептини ифодаловчи сўзларнинг маъносини кучайтирувчи интенсификаторлар тахлили *permenantly, pointedly, loathsome, monstrous, stonely, grotesquely, unpardonably, inky, pitchy, dismal, clumsily*, шунингдек, *компаратив оборотлардан black as crow, as crow's wing, as raven, as a raven's wing, as a sloe, as a coal, as ink, as pitch, mute as a fish, ~ as a mackarel, ~ as a mouse* кабиларнинг фақат “хунуклик” ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтиришга хизмат қилишини кўрсатди:


1. *Dismal living conditions*. 2. *She complained of feeling permanently exhausted*.

Демак, *seriously, severely, cruelly, dangerously, emphatically, namelessly, shockingly, appallingly, mortal, morbid, cold* каби интенсификаторлар “ugliness” ҳамда “suffering” концептини ифодаловчи сўзларнинг маъносини

кучайтириш учун хизмат қилса, *agonizingly, wretchedly, mortally, prolonged, stormy, towering, badly, fatally, heart-breakingly* каби интенсификаторлар, *bitter as a gall, ~ as a wormwood, ~ as a church mouse* сингари компаратив оборотлар фақат “suffering” концептини ифодаловчи сўзлар қуршовида учрайди. Масалан, 1. *His heart attack made him realize that he mortal.* 2. *The government have fatally underestimated public feeling on the matter.*

Шундай қилиб, энг кўп интенсификаторлар “suffering” концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтириш учун хизмат қилишини кўрамиз. Навбатдаги вазифамиз муайян интенсификаторнинг биз таҳлил қилаётган концептларнинг барчасида учраши ёки учрамаслигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги интенсификаторлар ҳар тўртала концепт таркибига кирувчи сўзлар маъносини кучайтиришда иштирок этишини қайд эта оламиз: *deeply, greatly, intensely, profoundly, wildly, strongly, completely, utter(ly), awfully, amazingly, enormously, extremely, unutterable, indescribable, passionate(ly), overwhelming(ly), terribly, absolutely, tremendously.* Масалан:



Бу, албатта, мазкур интенсификаторларнинг универсал характерли эканлигидан далолат беради. Қуйида энг фаол интенсификаторларни жадвалда акс эттирамиз:

6- жадвал

№	Интенсификаторлар	Умумий миқдори	Beauty	Ugliness	Joy	Suffering
1	Deep(ly)	27	5	3	4	15
2	Greatl(y)	21	5	2	4	10
3	Intensely	18	4	2	2	10

4	Profoundly	25	1	2	7	15
5	Wild(ly)	11	1	1	6	3
6	Unspeakable	16	1	2	5	8
7	Strongly	12	2	3	1	6
8	Completely	11	3	2	4	2
9	Utter(ly)	21	2	6	2	11
10	Awfully	24	5	1	5	13
11	Amazingly	8	1	1	3	3
12	Enormously	12	2	2	6	2
13	Extremely	50	12	7	12	19
14	Unutterable	14	2	2	4	6
15	Indescribable	16	3	2	2	9
16	Passionate(ly)	13	1	2	6	4
17	Colossal	12	2	5	2	3
18	Overwhelmingly	18	4	1	4	9
19	Terribly	24	3	8	2	11
20	Passionately	13	1	2	6	4
21	Tremendously	10	2	2	4	2
22	Absolutely	9	1	2	3	3
23	Grossly	9	2	2	1	4
24	Desperate(ly)	7				7
25	Acutely	10			2	8
26	Immense(ly)	10	3		5	2
27	Keen(ly)	12		1	3	7
28	Intensely	15	2	1	3	8
29	Fearfully	8		1	3	4
30	Supremely	8		2	2	4

Жадвалдан кўриниб турибдики, интенсификаторларнинг энг кўп миқдори “suffering” концептида учрайди. Аммо уларнинг қўлланиш даражаси бир хил эмас. Бунда энг фаол интенсификатор сифатида **very** ҳамда **extremely** интенсификаторларини қайд этиш мумкин.

Инглиз тили тарихига назар соладиган бўлсак, қўлланиш жиҳатидан кўп учрайдиган интенсификаторлар тилнинг истеъмолдаги даражаси билан боғлиқ ҳолда, ҳозирги кунга қадар бир неча марта миқдор ўзгаришларга учраганини кузатамиз. Агар XIV – XVI асрларда **pure** интенсификатори кўп қўлланган бўлса, XVI – XVIII асрларга келиб бунинг ўрнини **right, most** ҳамда **vastly** интенсификаторлари эгаллаган.

Тил ҳамиша ривожланишдадир. Эскирган сўзлар ўрнини янги сўзлар, атамалар эгаллайди. Сўнгги йилларда ҳозирги замон инглиз тилининг сўзлашув нутқида энг оммалашган

интенсификатор сифатида **awfully** кучайтирув равишини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, сўзлашув нутқида **awfully sorry, awfully nice** иборалари ҳам тез-тез кўзга ташланади.

Фактик тил материалининг таҳлили интенсификаторлар аввало “suffering” концептида, сўнг эса “joy” концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтириш учун хизмат қилишини кўрсатди. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳар икки концепт ҳам инсоннинг ҳис-туйғусини ифодалаши, бундан ташқари, интенсивлик категорияси инсоннинг ҳис-туйғуси билан боғлиқ ҳодиса эканлиги деб биламиз.

Энг кўп интенсификаторлар сифат ва феъл сўз туркумларида учрайди, чунки мазкур сўз туркумлари бевосита предмет ва ҳодисаларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракатини миқдор ўзгаришлар асосида ифодалайди. Айнан шу ҳолатлар интенсивлик учун манба ҳисобланади.

Мавзу буйича саволлар:

1. Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси нималардан иборат?
2. Концепт атамаси қандай тушунчага эга ?
3. Концепт ва тушунчанинг умумий ва фарқли томонларини изоҳлаб беринг.
4. Тилшуносликдаги майдон назарияси хусусида ўз фикрингизни билдиринг.
5. Компонент таҳлил методининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Архисема дейилганда нимани тушунаси?
7. Интеграл ва дифференциал семалар қандай хусусиятларга эга?
8. Интенсивлик маркерлари қандай аниқланади ?
9. Префикс ёрдамида сўз яшаш қайси концептларни ифодаловчи сўзлар ясалишида фаол ҳисобланади ?
10. Ҳозирги инглиз тили сўзлашув нутқида қайси интенсификаторлар кўп қўлланилади ?

Адабиётлар

1. Абдуазизов А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология. - Самарканд: СамДЧТИ, 2007, №3. - Б. 5- 6.
2. Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масалалари. Илмий-методик журнал - Тошкент: УзДЖТУ, 2003. - №1 - С. 41- 42.
3. Верещагин С.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. - М.: Русский язык, 1976.-240 с.
4. Карасик В.И. Лингвокультурные концепты: подходы к изучению // Социолингвистика вчера и сегодня. Сб. научных трудов. - М., 2004. - С. 136 - 146.
5. Карасик В.И. Культурные концепты // Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - М.: Гнозис, 2004. - 390 с.
6. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. - Жиззах: Сангзор, 2006. - 90 б.

III қисм

ИНТЕНСИВЛИКНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Интенсивлик категорияси ва дунёни билиш

Режа:

1. *Сўз маънолари интенсивлиги ва лингвокультурология.*
2. *Интенсивликнинг миллий-маданий хусусиятлари.*

Таянч сўз ва бирикмалар:

Тил ва дунёни билиш, концептуализация, лисоний нисбийлик фарази, дунёнинг концептуал манзараси, қиёслаш, рамз, деннотатив ва коннотатив маъно, лексик синонимия, лексик номинация, лингвистик ва экстралингвистик омил, лингвокультурология, миллий-маданий хусусият, флоризм, зоосемизм.

Сўз маънолари интенсивлиги ва лингвокультурология

Интенсивлик категорияси дунёни билиш билан чамбарчас боғлиқ, чунки дунёдаги нарса, ходисаларнинг белги – хусусиятларини англаш даражаси тилда ўзига хос тарзда акс этади. Сўз маъносини кучайтиришда ҳар бир халқнинг маданияти, урф – одати, атроф муҳит ўз ифодасини топади. Интенсивликда дунёни билишни таҳлил қилишдан олдин дунёни билиш ҳақидаги олимларнинг фикр – мулоҳазалари билан танишамиз.

Ҳар бир тил дунёни ўзича тасаввур этади. Бошқача айтганда, ҳар бир тил ўзининг концептуализация усулига эга. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир тилда дунёни кўриш ва тасаввур этишнинг ўзига хос тарзи мавжуд. Тил эгаси ўзи ифодаляётган жумла мазмунини шу халққа хос бўлган дунёни кўриш тарзига мувофиқлаштиради. Инсон тил туфайлигина дунёни ва ўзини тушунишга қодир. Бунда ижтимоий-тарихий тажриба умуминсоний ҳам миллий омил сифатида иштирок этади. Миллий омил тилнинг барча сатҳларида кузатилади. Тилнинг ўзига хослиги тил эгаси онгида тил воситалари орқали дунёни кўриш ва уни ифодалаш имконини беради. Бу ходисаларнинг барчаси сўзларнинг семантик структурасида ҳам намоён бўлади.

Тил воситалари орқали дунёни кўриш инсоннинг дунёга бўлган муносабатини (табиатга, ҳайвонларга, ўз-ўзларига дунёнинг муайян унсури сифатида қараш) шакллантиради.

Тил воситалари орқали дунёни кўришга бўлган қизиқиш В.Гумбольдт ишларидаёқ ўз ифодасини топган. У шундай ёзади: “Турли тилларнинг ягона бир предметни турлича номлаши ушбу предметни турлича кўриш, идрок этишдир”.

XX аср охирларига келиб мазкур муаммога бағишланган кўплаб тадқиқот ишлари (Э.Сепир, Б.Уорф, Г.А.Брутьян, С.А.Васильев, Г.В.Кольшанский, Н.И. Сукаленко ва бошқалар) яратилди.

Фанда Сепир – Уорф номи билан маълум бўлган “лисоний нисбийлик” фаразини 1930 йилларда Б.Уорф ўз устози Э.Сепир ғояларига таянган ҳолда шакллантирди. Бу фараз бевосита америка антропология мактабининг тадқиқотлари билан боғлиқ. Бир томондан маданият формалари, урф-одатлар, этник ва диний тасаввурлар ва бошқа томондан тил структураси Америка ҳиндуларида ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳамда бошқа тиллардан кескин фарқ қилган. Ушбу ҳолат уларнинг тасаввурида тил формаси, маданият ва тафаккур ўртасида боғлиқлик, ўзига хослик борлигидан дарак беради. Б.Уорф олға сурган ғояларнинг мазмунини қисқа қилиб қуйидагича изоҳлаш мумкин: турли тилларда сўзлашувчи ва ҳар хил маданиятга эга бўлган шахслар воқеликни бир хилда идрок этишмайди. Биз воқеликни имкониятларимиз доирасида қисмларга ажратамиз. Оламдаги ҳодисалар, категориялар, турларни уларнинг моддий борлиқда объектив тарзда мавжудлиги ҳолатига кўра ажратмаймиз, аксинча, олам бизнинг онгимизда мисли чархпалак каби айланиб турган субъектив таассуротлар асосида тартиб топади. Бу тартибни онгимизда сақланаётган тил тизими таъминлайди. Биз бу оламни у ёки бу йўсинда қисмларга ажратишимиз, тушунчалар воситасида ифодалашимиз ва маъноларга тақсимлашимизнинг сабаби биз ҳам бундай тизимлаштириш билан келишувчи, унга бўйсунувчи иштирокчилар эканлигимиздадир. Бу келишув маълум бир тилда сўзлашувчи жамоа учун мажбурий ва унинг тилимиз системасида ўзига хос ўрни мавжуд.

Мазкур масала бобида Б.Уорф томонидан илгари сурилган қараш фан учун ўта муҳим бўлиб, ундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳеч ким моддий борлиқни мутлақ билишга қодир эмас.

Шундай қилиб, нисбийлик назариясининг мазмуни қуйидагича: бир хил физик ҳодисалардан таркиб топган оламнинг бир хилдаги тасвирига фақатгина тил тизимларининг бир хил ёки ҳеч бўлмаганда ўхшашлигидагина эришиш мумкин.

Юқорида айтилгандек, Б. Уорфнинг фикрича, маълум бир тил ушбу тил соҳибларининг тафаккур фаолияти турини белгилаб беради ва атрофдаги воқеликни билиш, идрок этиш тарзи фикр юритилаётган тил тизими билан боғлиқ. Бундай қарашда билиш жараёнидаги тилнинг роли хаддан зиёд орттириб юборилади. Ҳақиқатан, тил тизимини билиш фаолиятидан устун қўйиш, уни барча турдаги ментал ҳаракатларнинг белгиловчиси, (детерминанти) деган фикрни олға суриш ғоясининг кескин танқидга дуч келиши муқаррар эди ва шундай бўлди ҳам.

Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, миллатлар ва элатларнинг тафаккур фаолиятида учрайдиган номутаносиблик ҳолатларини инкор қилиб бўлмайди. Бунинг исботини эса тил тизими хусусиятидан излагандан кўра моддий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг табиий мавжудлик ҳолатларидан ҳамда турли маданий муҳит вакилларининг ҳис этиш ва идрок қилиш қобилиятларининг ҳар хиллиги, шунингдек, уларнинг фаолият доираларига

оид фарқлардан излаган маъкулроқ. Бошқача айтганда, дунёни билишда тил эмас, балки моддий борлиқ асосий билиш манбаи ҳисобланади.

Мазкур мулоҳазага қўшилиш мумкин, зотан, дунёни билиш жараёни тил билан боғлиқ бўлса ҳам, бунда тил бирламчи ҳодиса ҳисобланмайди. Бошқача айтганда, тил моддий борлиқ билан инсон омили ўртасида восита сифатида фаолият кўрсатади. Бу эса моддий борлиқнинг айна пайтдаги мақоми устувор аҳамият касб этишини кўрсатади.

Дунёни кўришни олам ҳақидаги билимга эга бўлиш деб ҳам қараш мумкин. Унинг асосида билиш жараёнидаги индивидуаллик ва ижтимоийлик ётади. Тил тизими билиш жараёни талабларини бажаради. Дунёнинг концептуал манзаралари турли ижтимоий гуруҳлар, турли ёшдаги гуруҳларда турлича кечиши ҳолати ҳам кузатилади. Бундан ташқари, кишилар ҳар хил тилларда сўзлашишларига қарамасдан, дунёни кўришнинг бир-бирига яқин концептларига эга бўлишлари ҳам мумкин. Иккинчи томондан, бир тилда сўзлашувчи одамларда ҳам концептлар турли даражаларда бўлиши мумкин. Хуллас, дунёни кўришнинг концепти умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятларнинг алоқадорлигида намоён бўлади.

Турли халқларнинг дунёни турлича кўришлари, аввало, тарихий номинация билан боғлиқ бўлиб, этимологик тадқиқотлар орқалигина унинг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин. Бунда муайян сўзнинг қачон, қайси тилда, қандай сўз ясалиш қолипи бўйича, қайси тил материали асосида қандай маънодан пайдо бўлганлиги аниқланади. Бирор нарсани номлашда шу нарсанинг қайси белгиси номинация учун асос қилиб олинганлиги, унинг мазкур халқ ҳаётидаги аҳамияти муҳим саналади.

Тил воситалари орқали дунёни кўришда фразеологизмлар, қиёслашлар, метафоралар, рамзлар алоҳида ўрин тутати. Масалан, ҳеч қачон бажариш имконияти бўлмаган ишни инглиз тилида “when pigs fly” ёки “when the cows come home” ибораси орқали ифодаласак, “рус тилида “когда рак на горе свиснет” ўзбек тилида эса “туянинг думи ерга текканда”, “қизил қор ёққанда” иборалари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бирор нарсадан кўрқиб, ранги оқариб кетган кишига нисбатан инглизлар as white as sheet иборасини қўлласа, ўзбек тилида бу ҳолат ранги докадек оқариб кетди ибораси орқали берилади.

Dog (ит) лексемаси кўп халқлар тасаввурида содиқликни ифодалашнинг интенсив рамзи ҳисобланса, “fox” (тулки) зоосемизми айёрлик, муғомбирлик рамзи сифатида уларнинг онгида муҳрланиб қолган. Араб халқларида “camel” (туя) зоосемизми аёллар гўзаллигини интенсив ифодалашга хизмат қилса, мазкур лексема бир қатор бошқа халқларнинг тасаввурида кўполлик ва хунукликни интенсив ифодалашга хизмат қилади.

“Elephant” (фил) лексемаси кўпгина халқларда, хусусан, ўзбек тилида бусўнақайлик, кўполликни кучайтириб ифодаласа, ҳинд халқи тасаввурида, аксинча, аёллар гўзаллигини интенсив ифодалашда қўлланилади. “Sheep”

(қўй) зоосемизми ўзбек тилида инсон характерининг ювош, юмшоқлигини ифодаласа, мазкур зоосемизм Европа халқлари, хусусан, инглиз тилида салбий маъноларда қўлланилади. “Nare” (қуён) сўзи кўп халқларда, хусусан, ўзбек тилида қўрқоқликни ифодаласа (қуён юрак), япон халқи тасаввурида эпчиллик рамзи саналади.

Юқоридаги мисоллардан шуни англаш мумкинки, умумий мазмунни ифодалаш учун турли халқлар томонидан бир-бирига ўхшамаган бошқа-бошқа зоосемизмлар, сўзлар ва иборалар танланган. Бундай танланишлар ҳар бир халқнинг яшаш муҳити ва турмуш тарзига боғлиқ. Бу воситалар концептларнинг миллий-маданий хусусиятларини шакллантиради. Демак, тил воситалари орқали дунёни кўриш жараёнини ўрганиш сўзларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш, билиш мақсадида амалга оширилган когнитив, культурологик ҳаракатдир.

Сўз маънолари интенсивлиги ва лингвокультурология

Сўзнинг маъносини кучайтириш ёки интенсивлик лингвокультурологик ходиса бўлиб, унда нафақат лингвокультурологик лисоний маркерлар (семалар) бўлиши мумкин, балки интенсивлик орқали алоҳида маданий концептлар ифодаланади. Бу эса интенсивликни лингвокультурологик аспектда ўрганишни талаб этади.

Интенсивликда муайян халқнинг урф одати, маданияти, тарихи, турмуш тарзи ва бошқа миллий-маданий хусусиятларнинг акс этишини таҳлил қилишдан олдин, лингвокультурологиянинг асосий моҳиятини кўриб чиқиш зарур.

Лингвокультурологик хусусиятлар ҳар бир тилга хос бўлиб, улар муайян жамиятнинг турмуш тарзи, тараққиёти ва ривожланишидаги йўлини акс эттиради. Тилларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш бўйича кўпгина олимлар Д.Ашурова, С.Акбарова, А.Вежбицкая, В.Воробьев, С.Воркачев, Н.Джусупов, В.Карасик, В.Красных, В.Маслова, И.Ольшанский, Е.Опарина кабилар тадқиқот олиб боришган. Бу тадқиқотларда турли халқларнинг тилларига оид бўлган концептлар қиёсий ўрганилган.

Шубҳасиз, сўз семантикасининг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлашда қиёсий-типологик усул энг самарали усул ҳисобланади. Қиёсий типология “генетик жиҳатдан қардош ва қардош бўлмаган турли тилларнинг системаларини қиёслаш, улардаги умумий (универсал) ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, миқдор жиҳатдан чекланган муайян тиллар доирасида тиллараро мувофиқликларни аниқлаш ва бунда уларнинг типологик ёки систем хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади.

Лингвокультурология дунёни билишнинг комплекс ўрганиш соҳаси бўлиб, унда тил ва маданият алоқадорлиги, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилади. Ҳозирги даврда лингвокультурологик тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ва заруриятлар қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, умумжаҳон муаммоларининг тез суръатларда глобаллашуви. Бунда турли халқларнинг урф-одатлари ва муомала усуллари хусусийлик ва умумийлик (универсаллик) категориялари нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Айрим муаммоларнинг ҳал этилишида маданиятлараро тушунмовчилик қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ учун хос бўлган маданий қадриятлар, уларнинг шакллари ҳақида аниқ билимлар, тасаввурларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён коммуникатив фаолиятга катта таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, гуманитар фанларнинг тараққиёти. Ҳозирги куннинг тилшуноси бир неча соҳаларга оид билимларнинг ўзаро кесишган нуқталарини билиши зарур. Масалан, психология, социология, этнография, маданиятшунослик каби фанларнинг тилшуносликка алоқадорлиги масалалари билан қизиқиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирга қадар тил ҳақидаги фанда, асосан, тил ҳодисаларининг ўзигагина катта эътибор берилмоқда. Бироқ тилни фалсафий аспектда англаш ҳам ҳозирги куннинг талаби ҳисобланади.

Учинчидан, лингвокультурология лингвистик билимларнинг амалий томони билан боғлиқлиги. Бунда тил воситаларининг жамоа тажрибасига асосланган томонлари ўрганилади. Булар лексик ва фразеологик бирликларнинг семантик бойликлари, уларнинг маъно нозиклиги қирраларини аниқлашга имкон беради, чет тилини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари моҳиятини тушунишга ёрдам беради, сиёсий таъсир ва реклама амалиётида бевосита зарур бўлади, оммавий ахборот ва коммуникатив воситаларга кириб боради.

Лингвокультурология айниқса XX асрнинг охири чорагида долзарблик касб этди. Унда лингвистик ҳодисалар антропологик парадигманинг ҳосиласи сифатида ўрганила бошлади. Бу соҳанинг асосчиси В.Гумбольдт (XIX аср) бўлиб, у ўз тадқиқотларида қуйидагиларни баён этган:

- тилнинг характери халқнинг характери билан ўзаро алоқадор;
- турли тиллар дунёни турлича тушуниш ва ҳис этиш воситаси ҳисобланади;
- ҳар бир тилга хос бўлган хусусият миллатнинг менталитетига таъсир қилади;
- тилни синчиклаб ўрганиш тарих ва фалсафа фанлари билан алоқадорликда олиб борилиши керак;
- инсоннинг ички дунёси билан алоқадор ҳодисалар ҳисобга олиниши лозим.

Бундай ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, олим турли тил шаклларида тафаккур усулларидаги фарқни ва воқеликни тушунишдаги ўзига хосликни кўрган. У шундай хулосага келади: *тилда маданиятнинг ўзига хос томонлари намоён бўлади*. В.Гумбольдт ғояларини кейинчалик бошқа тадқиқотчилар ривожлантирдилар. Шундай қилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро фаол таъсирчанлиги ғояси асосида тилшуносликнинг янги йўналиши – лингвокультурология пайдо бўлди.

Лингвокультурология олимлар томонидан турлича талқин этилади. Масалан, Е.О.Опаринанинг фикрича, лингвокультурология миллий тилда маълум халққа хос бўлган моддий ва маънавий маданиятнинг намоён бўлишини ўрганиши керак. В.А.Маслованинг эътирофи этишича, бу фан тилшунослик ва маданиятшуносликнинг кесишган нуқтасида пайдо бўлиб, турли халқлар маданиятининг тилда акс этиши ва мустаҳкамланиш масалаларини тадқиқ этади. У “Лингвокультурология” номли монографиясида мазкур фаннинг асосий йўналишларини қуйидагича белгилайди:

- айрим ижтимоий гуруҳ этносига хос бўлган муайян лингвокультурологик ҳолатлар;
- диахроник лингвокультурология маълум даврда муайян халққа хос бўлган лингвокультурологик ўзгаришлар;
- турли, ўзаро алоқадор халқларнинг лингвокультурологик хусусиятларини қиёсий ўрганиш;
- лингвокультурологик лексикография, яъни ҳар бир мамлакат учун хос бўлган луғатлар тузиш.

В.А.Маслова бу ҳақда мулоҳаза билдирганида XX аср охирида шаклланган лингвокультурологик мактаблар хусусида ҳам фикр юритади:

1. Ю.С.Степанов асос солган лингвокультурологик мактаб. Бу мактаб ўз методологияси билан Эмил Бенвенист концепциясига яқин туради. Ушбу мактаб вакилларининг мақсади диахрон аспектда маданият константини ўрганишдир. Бунда турли даврларда тузилган матнлар мазмуни қиёсланади ва тилнинг эгаси нуқтаи назаридан эмас, балки ташқи кузатувчи нуқтаи назаридан иш қўрилади.

2. Н.Д.Арутюнова мактаби. Бу мактаб вакиллари лингвокультурологиянинг универсал атамаларини белгилаганлар ва таҳлил давомида турли халқлар ва замонларга мансуб бўлган матнлар билан ишлаганлар.

3. В.Н.Телия мактаби. Бу мактаб Россия ва чет элларда фразеологизмларнинг лингвокультурологик таҳлили билан шуғулланувчи “Москва мактаби” номи билан машҳур. В.Н.Телия ва унинг шогирдлари тилнинг моҳиятини жонли тил эгаси нуқтаи назаридан тадқиқ этадилар. Натижада тил субъекти ва маданияти бевосита алоқадорликда ўрганилади. Бу мактаб вакилларининг концепцияси А.Вежбицкая қарашларига (ментал тилшунослик) яқин туради.

Тил ва маданият ўртасида умумий томонлар ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. В.Н.Телия бундай умумийликни қуйидагиларда қўради:

1. маданият, худди тил каби, инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шаклидир;
2. тил ва маданият ўзаро муносабатда, бир-бирининг таъсирида бўлади;
3. тил ва маданиятнинг субъекти индивид ёки ижтимоий гуруҳ, шахс ёки жамият ҳисобланади;

4. меъёрийлик (норма) тил ва маданият учун умумий хусусиятдир;
5. тарихийлик тил ва маданиятнинг муҳим белгисидир;
6. тил ва маданиятга динамика – статика зиддияти бир хилда ҳосилдир.

4. В.Воробьев, В.Шакленая ва бошқалар томонидан Россия университетида яратилган лингвокультурология мактаби. Бу мактаб вакиллари Е.М. Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг концепцияларини ривожлантирганлар.

В.А. Маслованинг таъкидлашича, мазкур фаннинг тадқиқот объекти тил бирликлари. Тил бирликлари мулоқотда метафорик маънолар ва рамзий хусусиятлар касб этади. Натижада инсон онгида архетипик ва прототипик хусусиятлар уйғунлашади. Архетипик ва прототипик белгилар афсоналарда, урф-одатларда, маросимларда, фольклор ва диний дискурсларда, фразеологизм ва метафоралар, мақол ва маталлардаги рамзларда намоён бўлади.

Лингвокультурология ҳақида сўз юритганда шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, у ўрганадиган тил бирликлари тил ва маданият элементларининг синтези ҳисобланади. Бундай тил бирликлари илмий адабиётларда лингвокультуремалар (“лингвокультурема” атамаси В. Воробьев томонидан киритилган) деб ҳам аталади. Лингвокультурема соҳалараро комплекс бирлик бўлиб, лисоний ва экстралингвистик элементларнинг диалектик бирлигини ўзида намоён этади.

Шундай қилиб, тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири, боғлиқлигини ўрганиш асосида тилшуносликнинг мустақил йўналиши – лингвокультурология турология пайдо бўлди.

Воқеликни идрок этиш ва уни билишнинг миллий-маданий хусусиятлари муаммоси аслида тадқиқотчиларни узок йиллардан бери қизиқтириб келмоқда. Ушбу муаммо ҳақида билдирилган фикрлар ҳар хил, баъзан эса зиддиятлидир. Уларнинг айримларида ҳатто турли халқларнинг борлиқни идрок этиши бир-бирига батамом мос келмаслигини таъкидлашга ҳаракат қилинади. Барча халқлар ягона воқеликни турлича тасаввур қилишади. Инсон фаолияти маълум миллий маданият, муҳит доирасида кечади. Шу сабабли ҳар қандай турдаги билиш жараёнига оид структуралар, тузилмаларда миллий калорит мавжуд бўлиши табиийдир.

Сўз маъносини кучайтириш таҳлилида миллий-маданий омилни ҳисобга олиш, дунёни кўришнинг ўзига хос хусусиятини очиқ бериш катта аҳамият касб этади. Бунинг инглиз тилидаги сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти тадқиқида яққол кўриш мумкин.

Сўз семантикасида миллий маданиятнинг ўзига хослиги, халқнинг миллий анъаналарига хос хусусиятлар акс этади. Шу нуқтаи назардан интенсивликнинг ифодаланишида ҳам миллий-маданий хусусиятнинг ёрқин намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, турли халқлар тилларидаги интенсивликни ифодалашда айнан бир сўз ҳар хил маъноларни кучайтириши

мумкин. Хусусан, бир тил бирлиги бир халқда ижобий, бошқасида салбий маъноларни кучайтиради.

Интенсивликнинг миллий-маданий хусусиятлари

Кўпгина тилшунослар сўзнинг семантик структурасида алоҳида миллий-маданий компонент мавжудлигини қайд этишади. Бу компонент сўзнинг семантик структурасида турли даражада ўрин тутди ва шундан келиб чиқиб, асосий ёки асосий бўлмаган, эксплицит ҳамда имплицит ифодаланишлар қайд этилади.

Сўзларнинг миллий-маданий хусусиятлари коннотатив маъно сатҳида ҳам намоён бўлиши мумкин. Аммо мазкур коннотатив маъно сўзнинг семантик структурасига кирадими ёки йўқми, деган масала мунозаралигича қолмоқда. Айрим олимлар коннотацияни маънонинг компоненти деб билсалар бошқа олимлар уни сўзнинг семантик структурасига кирмайди деб ҳисоблайдилар. Фактик тил материалининг таҳлили коннотатив маънолар тилнинг парадигматик сатҳида сўз семантик структурасининг асосий компонентларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. Акс ҳолда бир концептни ифодаловчи ёки синонимик қатордаги сўзларнинг нутқдаги вазифаларини фарқлаш қийин бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам “лексик синонимия” тушунчаси нисбийдир. Сўзнинг коннотатив маънолари, ўз навбатида, услубий бўёқлар, яъни нейтраллик, экспрессивлик, интенсивлик, кам қўлланиш, китобийлик, сўзлашув нутқида хослик кабиларни қамраб олади.

Сўзнинг семантик структурасида денотатив ва коннотатив маъноларнинг узвий боғлиқлиги диалектик бирликни акс эттиради. Ушбу бирлик номинация ва экспрессиядаги уйғунликни шакллантиради. Бундай воситалар тилнинг барча сатҳларида кузатилади. Шу жумладан, лексик сатҳда ҳам денотация ва коннотациянинг диалектик бирлиги мавжуд.

Бундан ташқари, профессор Д.Ашурова таъкидлаб ўтганидек, тиллардаги миллий-маданий хусусиятлар тадқиқи бошқа тиллар билан қиёслашда ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Компонент таҳлил билан иш кўрилганда, тил бирликларидаги интенсивлик маъносини берадиган семантик компонентлар аниқланади. Қиёсланаётган тиллардаги сўзларнинг семантик структурасидаги семантик компонентларнинг умумийлиги ўхшашлик, айнанликни кўрсатса, белгилардаги номувофиқлик сўзнинг интенсив маъносини ифодалашдаги фарқларга ишора қилади.

Сўз маъноси интенсивлигининг миллий-маданий семасини аниқлашда, аввало, муайян концептни ифодаловчи сўзларнинг лексик маънолари таркиби кўриб чиқилади. Бунда муайян луғавий маъно таркибида интенсивлик семасининг қандай шаклланиши назарда тутилади. Масалан, fox, cat, dog,

donkey каби сўзларга эътибор қаратсак, уларнинг дефинициясида интенсивлик маркерлари мавжуд эканлиги яққол кўзга ташланади.

Интенсивлик маркерларига, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, қуйидагилар киради: **very, extremely, so, strong, much, a lot of, more, great, sharp, deep, slightly, fairly and etc.** Масалан:

1. fox-someone who is **very** sexually attractive, especially a woman.
2. dog-something that is of bad quality or **very** unsuccessful. I invested in an internet start-up but it turned out to be a real dog.
3. cat-like a cat on hot bricks. (Br.E.) - unable to stay still or concentrate because you are **very** nervous or worried.
4. donkey – **extremely** long time. I haven't been swimming in donkey's years.

Халқнинг турмуш тарзи, ҳўжалик муҳити, айрим анъана ва урф-одатлар, табиийки, тилнинг лексик системасида ўз инъикосини топади. Материаллар шуни кўрсатадики, ҳар бир халқ ўз зоосемизмлари тизимига эга ва уларда ўзига хос йўсинда қўлланиш имкониятлари мавжуд. Бу эса дунёни қай тарзда кўриш нуқтаи назари билан боғлиқ бўлади. Масалан, инглиз тилидаги *plane* (чинор) лексемасининг семантик структурасида ўзбек халқининг тасаввуридагидек узок умр кўриш семасини шакллантириш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, интенсивликнинг миллий-маданий семасини аниқлашда анъанавий ва ижтимоий-тарихий ассоциацияларга таянамиз. Мазкур ассоциациялар орқали айрим ёндош тушунчаларни англаш, уларнинг миллий ўзига хослигини, яъни мазкур тил эгасининг ўзлигини билиш мумкин. Деер ва оху сўзлари денотатив маънолари жиҳатдан умумийликка (айнанликка) эга. Бироқ, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бири махсус миллий қўлланиш контекстлари билан узвий боғлиқдир.

Бу контекстларнинг айримлари эмоционал баҳолаш йўналишида бўлиб, улар “ўта гўзал, қадди-қомати жуда келишганлик” тушунчаларини ифодалашга хосланган. Мазкур контекстуал семалар инглиз ва ўзбек халқлари тасаввуридаги ҳайвонларга хос белгилар билан ҳам маълум даражада алоқададир.

Биз турли тиллардаги, масалан, инглиз ва ўзбек тиллардаги интенсив сўзларни қиёсласак, муқобиллар (эквивалентлар) орасида денотатив мазмун нуқтаи назаридан қуйидаги корреляция борлигини аниқлашимиз мумкин: интенсив маънолар тўла мос келади, қисман мос келади, мос келмайди каби.

Маъноларнинг мос келиши интенсив сўзларнинг ўхшашлигини, уларнинг мазмуний салмоқларида умумийлик ёки айнанлик мавжудлигини кўрсатади. Бу хусусият инсон тафаккурининг ягона мантикка эгалигидан ва турли халқлар турмуш тарзида объектив ўхшашлик борлигидан дарак беради. Албатта, интенсив маъноларнинг ўхшашлиги ҳар доим ҳам мутлақ характерли бўла олмайди. Чунки зоосемизмнинг баъзи хусусиятлари қисман мос келиши, баъзан эса мутлақо фарқ қилиши мумкин.

Инглиз тилида “sheep” зоосемизми “нодон”, “бефаросат” каби салбий маъноларни кучайтириб ифодалайди: 1) Resembling sheep or their characteristics; 2) meek, innocent, simple, silly; 3) bashful or awkward in the presence of others. Black sheep ибораси ниҳоятда кучли салбий бўёққа эга.

Ўзбек тилида “қўй” лексемаси характери “юмшоқ”, “ювош”, “мўмин” каби ижобий маъноларни кучайтириш учун қўлланилади (қўйдайд ювош, қўй оғзидан чўп олмаган). Қўй (sheep) зоосемизми ўзбек тилида ижобий, инглиз тилида эса салбий бўёққа эга. Лекин, баъзан “қўй” лексемаси ўзбек тилида ҳам “ўта ишонувчан” “ўта содда”, “гўл”, “оғзидаги нонини бошқаларга олдириб қўядиган даражада нўноқ” каби салбий маъноларни ифодалаши мумкин. Шу нуқтаи назардан мазкур зоосемизмни қисман мос келадиган гуруҳга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, интенсив сўзларни ўрганишда, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ёритишда лингвистик ва экстралингвистик омилларни атрофлича ҳисобга олиш зарур. Шу боис интенсив сўзларнинг миллий-маданий хусусиятларини очишда қуйидаги экстралингвистик омилларни асос қилиб олиш мумкин:

1. Халқ ҳўжалигининг хусусиятлари, географик жойлашиши.
2. Ҳар бир халқнинг турмуш ва маиший ҳаёт тарзи.
3. Миллий маданият, адабиёт ва фольклор анъаналари ва бошқалар.

Сўз маъноларини кучайтиришдаги миллий-маданий хусусиятлар табиат ҳодисаларига, осмон жисмларига, маиший предметлар, фауна ва флора кабиларга қиёслаш билан узвий боғлиқдир. Қуйида “beauty” - “ugliness” ва “joy” - “suffering” концептларини ифодаловчи сўзларнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

“**Beauty**” маъносини кучайтиришда осмон жисмларидан *sun* – *қуёш*, *star* – *юлдуз* лексемаларидан фойдаланилади. Масалан: 1. *But, soft! What light throng you under window breaks in is the cast and Juliet is the Sun !* (Джульета – *қуёш*). 2. *Your eyes are lodestars* (*сенинг кўзларинг юлдуздай норлайди ёки юлдуз кўзларинг*). Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида “қуёш” ва “юлдуз” лексемалари иборалар таркибида қўлланганда гўзаллик янада кучайтирилади: юлдузи иссиқ- истараси иссиқ: *Умид... рўпарасидаги юлдузи иссиқ қиздан асло кўз узмасди*. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, қуёш (*sun*), юлдуз (*star*) лексемалари ҳар иккала тилда ҳам инсон ташки кўриниши, тана аъзоларининг ниҳоятда чиройлилигини ифода этиш учун хизмат қилмоқда.

Баъзи ҳолларда осмон жисмларига ўхшатиш орқали маъно кучайтирилганда салбий маъно англашилади. Бундай ҳолатни *moon* (ой) лексемаси мисолида кўриш мумкин. Инглиз тилининг изоҳли луғатларида moon сўзининг салбий маъно ифодалашига доир етарлича маълумот олиш мумкин. Инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тилидаги “ой” лексемаси ижобий маъно ифодалайди. Бу лексема нафақат ўзбек тилида, балки шарқ

маданиятида гўзаллик рамзи ҳисобланади ва у аёллар юзининг чиройлилигини кучли ифода этишга хизмат қилади:

*Ой юзинг қаро чиммат зулмидан қутултиргил,
Чик қаронги турмушдан, нур ичинда жавлон қил.*

Булардан ташқари, ўзбек халқи маданиятида аёлларни ҳурмат қилиш, суюш-эркалаш маъноларини кучайтиришда исмларига “ой” сўзини қўшиб айтиш расм тусига кирган. Инглиз халқи маданиятида эса бундай ҳолат одат тусига кирмаган.

Европа халқи маданиятида “dove” зоосемизми аёлларнинг ниҳоятда гўзаллигини ифодаловчи образ ҳисобланади. Аёллар гўзаллигини ва мулојимлигини интенсив ифода этишда инглизлар уни каптарга қиёслайдилар. Масалан: *So shows a snowy dove trooping* . Агар биз “dove” сўзининг маъноларини ўзбек тилидаги “каптар” зоосемизми билан таққосласак, ўзбек тилида ундан аёллар гўзаллигини ифодалаш учун кучайтирувчи восита сифатида фойдаланилмаслигини кўрамыз.

Duck (ўрдак) зоосемизми инглиз тилида аёлларнинг ниҳоятда гўзаллигини ифодалайди. Шу боис у сўзловчи томонидан ёқтирган кишисига нисбатан қўлланилади: 1. *How are you , duck?*. 2. *“She is a perfect duck” ёки “she is a duck”* – У жуда соҳибжамол ёки у ўрдакка ўхшайди. Ўзбек тилида, бундан фарқли равишда, “ўрдак” зоосемизми бесўнақайлик, аёллар юришининг хунуклиги, лапанглаб юришини ифодалайди.

“Butterfly” (капалак) ҳамда “peacock” (товус) зоосемизмлари инглиз тилида аёллар ташқи гўзаллиги, юриши ва ҳаракатининг чиройлилигини ифодалаш учун қўлланади: *“as pretty as butterfly”* – капалакдай чиройли, *“she is a peacock in everything”* – товусдай гўзал каби. Масалан, *I instead of butterflies send down to me love, love which, and will light on my heart as pretty as a butterfly*. Ўзбек тилида ушбу зоосемизмлар ўрнида тўти, кумри лексемаларидан фойдаланилади. “Тўти” ва “қумри” зоосемизмлари аёлларнинг ўта гўзаллигини ифодалашдан ташқари, аёллар хонишининг ўта ёқимлилиги, овозининг жуда майинлигини тасвирлашда ҳам қўлланилади. Демак, интенсивликнинг миллийлигини аёллар овозини кушларнинг хонишига ўхшатиш орқали ҳам ифода этиш мумкин. Инглиз тилида аёллар овозининг ўта майинлиги, ёқимлилиги lark – тўрғайнинг хонишига қиёсланади. Масалан: *More tunable than lark to Shepherd’s ear*. Ўзбек тилида эса, эслатилганидек, аёллар овозининг ўта ёқимлилиги булбул ёки тўти сайрашига ўхшатилади: 1. *Қани айтингчи... қайси боғнинг булбули экан.*

2. *Бир қиё боқдим, илиндим, тўтининг занжирига,
Ҳеч илож тополмадим парвардигор тақдирига.*

Юқоридаги мисоллардан шу нарса аён бўлдики, “булбул” ёки “тўти” зоосемизмлари нафақат жуда чиройли хониш ва овозни, балки шарқ маданиятида, хусусан, ўзбек маданиятида гўзаллик маъносини кучайтирувчи рамзлардан бири ҳисобланади. Демак, инглиз тилида “гўзал, чиройли овоз”

маъносини кучайтиришда lark – тўрғай, ўзбек тилида эса тўти, булбул зоосемизмларидан фойдаланиш мумкин.

Баъзан интенсивликнинг миллийлик хусусияти флоризмларни ўзига хос қўллашда ҳам намоён бўлади. Инглиз тилида аёллар тана аъзоларининг чиройлилигини янада кучайтиришда “lily (лилия гули), “cedar”- (кедр дарахти), “ebony”(эбони дарахти) каби флоризмлар ишлатилади : 1) She locks her lily fingers one on one. 2) as stright as the cedar (кедр дарахтидек тик, тўғри). Бошқа тилларда, масалан, ўзбек тилида аёллар лабининг чиройлилигини кучайтириб ифодалашда гулнинг ғунчасига, қад-қоматининг тиклиги, чиройлилигини сарв ёки шамшод дарахтига, сочларининг чиройлилиги эса сунбул гулига ўхшатилади. Масалан, *Қалбимга оташ солган, ғунча лаб ширин сўзинг*. Сарви қомат(ёки қад)- қадди-қомати келишган, хушқад, хушқомат: *Юзи гул, сарви қомат, сочи сунбул, кўзи наргис каби мастона, бир кел*. Қомати (ёки қадди) шамшод – қадди-қомати келишган, гўзал: *Зухранинг шахло кўзлари жиққа ёшга тўлди, шамшод қомати тебранди*.

Инглиз халқи аёллар хушбичимлилигини ифодалаш учун қуйидаги сифатлардан фойдаланади: curvaceous – (of a woman) having a pleasingly well developed figure, with attractive curves, voluptuous – (of a woman) having a beautiful soft rounded body that excites sexual feeling; pin-up—a glamorous, often voluptuous girl, etc.

Инглиз халқи маданиятида аёллар гўзаллигини кучайтириб ифодалашда жинсий жозибадорлик белгиларига алоҳида эътибор берилади. Масалан: fox – a sexually attractive girl or young woman; enchantress – a woman of great sexual charm; hymphet – a young girl of about 11-14 years old regarded as sexually desirable, sexpot – a sexy woman: sexkitten – a woman with enormous sexual polential; sex-bomb – a woman famed for a sex appeal and etc.

Шарқ халқлари аёллар гўзаллигини кучайтириб ифодалашда биринчи навбатда унинг ташки гўзаллигига эмас, балки ички дунёсининг гўзаллигига, меҳнатсеварлик, ибо, иффат, итоатгўйлик, камтарлик, ақл-фаросатлилиқ каби фазилатларга катта эътибор беришади.

Ugliness концепти маъносини кучайтиришда ҳам турли ҳайвон номларидан фойдаланилади. Инглиз тилида инсоннинг ниҳоятда хунуклиги “dog”, “elephant”, “bull”, “horse”, “goat”, “monkey”, “butle”, “pig” каби зоосемизмлар орқали ифодаланади.

Инглиз тилида bear зоосемизми инсон бесўнақайлиги, юришининг хунуклигини интенсив маънода ифода этса, ўзбек тилида инсон гавдасининг ўта қўполлигини ифодалайди. Шу каби инглиз тилида аёллар ташки кўринишининг хунуклигини кучайтиришда dog зоосемизмидан фойдаланилса, (dog – offensive – someone who is not attractive, especially a woman, ўзбек тилидаги *ит* лексемаси кўпроқ ҳақоратлаш маъносида қўлланилади: *Азизбек қаришисида қўл боғлаб турган дарвоза бегисига бақирди: “Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит?”*.

Инглиз тилида интенсивликни ифодалашда гендер ходисаси ҳам учраб туради. Масалан, инглиз тилида эркаклар кўзининг хунуклигини кучайтириб ифодалашда “pig eyed” ёки “piggish eyes” ёки “bull eyed”, “ox eyed” лексемалари қўлланади. Биринчи мисолимизда “pig eyed” дейилганда эркак киши кўзининг кичиклиги ва ёқимсизлигини чўчкага ўхшатилса, иккинчи ҳолатда (bull eyed, ox eyed деганда) эркак киши кўзининг жуда катта ва хунуклиги хўкиз кўзига қиёсланади, аммо бу ҳолат ўзбек тилида бошқача. Ўзбек тилида инсон кўзининг хунуклиги маъноси “балиқ”, “укки”, “бақа” каби лексемалар ёрдамида кучайтирилади, яъни булар кўзи чақчайган кишига нисбатан ишлатилади. Масалан: 1. *“Йўқ, бир нарсага пушаймон қилаяпман”, - деди арслонқомат балиқкўз йигит.*

2. *22 ёшлар чамасида бўлган бу йигит сариқ танли, уккининг кўзидек чақчайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли киши эди.*

Ўзбек тилида инсон ташқи қиёфасининг хунуклигини кучайтириб ифодалашда “дев”, “алвасти”, “ажина”, “ялмоғиз” каби лексемалар фаол иштирок этади. Дев лексемаси кўпинча эркак киши ташқи кўринишининг хунуклиги, бесўнақайлигини кучайтириб ифодалайди: *Қизингизни эрга бермай, девга бердингиз.*

Алвасти, ялмоғиз лексемалари эса аёлларга нисбатан қўлланилади: *Шу чоққача бировга сўзини бермаган, бировдан гап эшитмаган бегим, нотаниш хотиндан дакки едингизми, у алвастининг ола-кула кўзларидан қўрқиб, калтагидан қочдингизми?*

Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, фасллар номини ифодаловчи сўзларнинг кўчма маъноси ёрдамида ҳам миллий-маданий хусусиятларни аниқлаш мумкин. Масалан: a spring in smb's step – used for saying someone looks as if they are happy and full of energy: *He walked with a spring in his step, happy to have arrived.* Шундай ҳолатни ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин.

Масалан, баҳор лексемаси ҳар нарсанинг, масалан, умрнинг гулгун яшнаган чоғларини ифодалаш учун қўлланилади.

О. Мўминовнинг таъкидлашича, инглиз тилида “high” лексемаси “жуда яхши кайфият”, “омад”, “гуллаб яшаш” каби тушунчаларни ифодалайди. Масалан: high – flying – successful and determined to achieve more things; high-grade – very good in quality; high jinks – the behaviour of people who are excited and having fun.

Ранг дунёни ўзига хос кўра билиш, халқнинг ўз тарихий ривожланиш, атроф-муҳит ҳақидаги маълумотни ўзида мужассамлантирган маданиятнинг асосий категорияларидан биридир. Турмушдаги воқеа-ходисалар, урф-одатларни тасвирлашда ранглар ҳам аҳамиятлидир. Турли халқлар рангларни мажоз нуқтаи назардан турлича талқин этадилар. Буни, масалан, оқ рангдан турли халқлар турлича фойдаланишида кўриш мумкин: *Mr Creakle cuts a joke before he beats him, and we laugh with at it miserable little dogs, we laugh with*

our visages as white as ashes, and our hearts sinking into bootsю Назокатнинг ранги бўздек оқарди.

Юқоридаги мисоллардан шуни англаш мумкинки, инсон рангининг оқарган ҳолатини кучайтириб ифодалашда инглизлар уни кулга қиёслашса, ўзбек тилида пахтага ўхшатилади. Оқ ранг баъзи халқларда, жумладан, хитой халқи маданиятида мотам рамзини ифодаласа, бошқа кўп халқларда муқаддас ранг ҳисобланиб келинади. У халқлар эътиқодида бахт, шодлик, поклик, яхшилик рамзи ҳисобланади. Жумладан, ўзбек халқида ҳам оқ ранг яхшилик, хурсандчилик белгиси саналади. Қизни унаштириш маросимида совчилар олдига “оқ” (оқ кийимлик) кўйиш, тўй куни келин билан куёв остонадан ўтаётган пайтда оёқлари остига оқ поёндоз солиш фикримиз далили бўла олади.

Инглиз халқи маданиятида blue (кўк) ранги ғамгинлик, хафалик ҳолатларини кучайтириб ифодалашга хизмат қилади. Масалан, *in a blue mood, to feel blue, to have the blues* каби иборалар инсоннинг ўта ғамгин, хафа ҳолатини билдиради: *She usually calls her mother when she's feeling blue.* Ўзбек тилида эса бундай ҳолат сариқ ранг ёрдамида воқеланади: *Кошкийди, йўлингизда саргайганимни, бир кўришга, худди шу бугун кўришга зор бўлганимни билсангиз.*

Юқорида кайд этиб ўтганимиздек, фразеологик бирликлар ҳам дунёни ўзига хос кўришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ифодалашда ҳар бир халқ ўз иборалар тизимига эга. Қуйидаги мисолларда миллий-маданий хусусиятларни аниқлашда фразеологик бирликларнинг ўрни хусусида тўхталамиз. Инглиз тилида инсоннинг бахтли, ўта хурсанд ҳолатини ифодалашда қуйидаги фразеологик бирликлар фаол ҳисобланади: *to come out tops/on, to get the upper hand, to make merry, to make much ado about nothing, (to be) like a dog with two tails, to be at the top of the ladder / tree* каби. Ўзбек тилида эса *димоғи чоғ бўлмоқ, оғзи қулоғида бўлмоқ, боши кўкка етмоқ, елкасидан тоғ қуламоқ, кўнгли тоғдек кўтарилмоқ* каби иборалардан фойдаланиш мумкин

Инглиз тилида “қийинчилик”, “азоб чекиш” ҳолатларини ифодалашда: *to get a miff, to get into a mess, to be in a (tight) box, to ride the black donkey, to be at a loss (to do something), to be at a loss for words, to be at pains to do something, to be in deep water, to be in the doldrums, to be in a fix/mess/scrape, to be in a flutter, to be in hot water, to be in the soup, to be in a stew, to be up against something, to be up to the neck in something* кабилар фаол ҳисобланади: 1. *Sylvia is at a loss to know exactly how best to deal with Ted.*

2. *My Aunt Jane was in a flutter last night when she thought she'd missed the last bus and wouldn't be able to get home.*

Ўзбек тилида *ичига чироқ ёқса ёришмайди, ичини ит (мушук) тирнамоқ, игна устида ўтирмоқ, икки ўт ўртасида қолмоқ, юраги қон бўлмоқ, жигар – бағри кабоб бўлмоқ, дўпписи тор келмоқ, оёғи куйган*

товуқдай каби иборалардан фойдаланилади: Дили кабоб бўлган Полвон бу йигит воқеасини тўлароқ билмоқчи эди. Одамлар оёғи куйган товуқдек пишиллаб югурарди.

Демак, инглиз халқининг барча миллий-маданий хусусиятлари сўзнинг семантик структурасида ўз ифодасини топади. Инсоннинг чиройли ёки хунуклиги, хурсанд ҳамда хафа ҳолатларини ўта кучли ифода этиш экстралингвистик омилларга бевосита боғлиқдир.

Шундай қилиб, инглиз тилида интенсивлик ифодалашнинг миллий-маданий хусусияти турли концептларда турлича ўз аксини топган. Тадқиқот натижалари осмон жисмлари ҳамда флоризмларга қиёслаш асосан **beauty** концептига хослигини кўрсатди. Зоосемизмларга қиёслаш тадқиқ этилаётган концептларнинг барчасида учраса-да, **beauty** ва **ugliness** концептларида анча фаоллиги маълум бўлди. **Ugliness** ва **suffering** концептларини кучайтириб ифодалашда флоризмларга қиёслаш деярли учрамайди. Бунга асосий сабаблардан бири **гул** лексемасининг семантик структурасида “ёқимлилиқ” семасининг мавжудлигидир. **Joy** ва **suffering** концептларида ранглар ва фразеологик бирликларнинг фаоллиги қайд этилди.

Назорат саволлари:

1. Тил ёрдамида дунёни билишни қандай изоҳлайсиз ?
2. Лисоний нисбийлик назариясини изоҳлаб беринг ?
3. Қандай эҳтиёж ва заруриятлар лингвокультурологик тадқиқотларни вужудга келтирди ?
4. XX аср охирида вужудга келган лингвокультурологик мактаблар ҳақида гапириб беринг ?
5. Деннотатив ва коннотатив маъноларни қандай тушунасиз ?
6. Шарқ халқлари маданиятидаги гўзалликнинг ифодаланишида қандай нутқий воситалардан фойдаланилади ?
7. Лексик номинацияни изоҳлаб беринг ?
8. Флоризмларга қиёслаш қайси концептлар учун фаол ҳисобланади ?
9. Нима учун **Ugliness** ва **Suffering** концептларида флоризмларга қиёслашдан кам фойдаланилади ?
10. Миллий-маданий хусусиятларни аниқлашда қайси методлардан фойдаланилади ?

Адабиётлар:

1. Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка. // 2-я межд. науч. конф. Язык и культура. - М., 2003. -С. 76 -81.
2. Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. - Тошкент: ЎзДЖТУ, 2004. - №4 - С. 37-40.

3.Ашурова Д.У. Стилистика и лингвокультурология // Тил ва миллий маданият. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 10 йиллиги юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-назарий конференция материаллари. - Самарқанд, 2004. - С. 204-206.

4.Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. - М., Рос. Ун - т. Дружбы Народов, 1-996. - 170 с.

5.Воркачев С.Г. Лингвокультурология. Языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. - М., 2001. - №1. - С. 64-72.

1. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность : проблемы коммуникативной деятельности. - Волгоград: Изд - во ВГПИ, 2001. - С. 3 -16.
2. Маслова В.А. Лингвокультурология. - 2-ое издание. - М.: Academia, 2004.- 170 с.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик, лингвокультурология каби йуналишларга эга бўлган

Антропололингвистиканинг тез суръатлар билан тараққий этаётганлиги тил системасининг ўзини ўрганишдан тилни у билан боғлиқ бўлган ташқи омиллар асосида ўрганиш томон кенг кўламда ўтилаётганлиги билан боғлиқдир.

Интенсивлик миқдор даражаларида (меъёрдан ортиқ, ортиқроқ, жуда ортиқ) намоён бўлади. Ушбу градация ҳолатларининг инглиз тилида ўзига хос ифода воситалари мавжуд.

Белги объектив ва субъектив оламда сифат, миқдор жиҳатлардан турлича бўлганлиги учун бутун оламини ўзида акс эттирувчи тил ҳам ўзининг турли сатхлари, воситалари ёрдамида интенсивликни акс эттиришга ҳаракат қилади.

Экспрессивлик интенсификация, эмоционаллик, баҳолаш, субъектив модаллик каби ҳодисалар асосида юзага келувчи нутқий таъсирчанлик ҳодисасидир. Интенсивлик экспрессивликнинг миқдор кўрсаткичи, таъсирчанлик даражаси учун хизмат қилувчи моддий, динамик ҳодисадир.

Интенсивлик ва эмоционаллик ўзаро ёндош ҳодисалардир. Эмоционаллик ҳис-туйғу ёки руҳий кечинма бўлиб, унга ҳам ўзига хос йўсиндаги интенсификация хосдир. Интенсификация эмоционалликнинг миқдор даражасини кўрсатади.

Сўз маъносини кучайтиришда стилистик кўчимлар дунёни билишнинг миллий хусусиятини намоён этади. Уларда инсоннинг тафаккури, дунёни ўзига хос англаши ўз аксини топади. Интенсивлик ҳодисасини тилнинг турли сатхлари бўйича ўрганиш фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, синтаксис каби фанлар орасидаги муносабатларни чуқурроқ англаш имконини беради.

Интенсификацияни ташқи лингвистика, хусусан, когнитив лингвистика ва лингвокультурология аспектларида ўрганиш ҳозирги долзарб муаммодир.

Интенсивлик концептлар ва улар асосида шаклланувчи сўз маънолари билан боғлиқдир. Шунинг учун маъно кучайишини концептлар асосида тадқиқ этиш унинг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишга кенг имконият яратади.

Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг ўрганиш предмети бўлган концепт онтологик жиҳатдан юксак умумлаштирувчилик ва тилнинг турли сатхлари, воситалари орқали ифодаланиш имкониятларига эга бўлган, ҳар бир тилда ўзига хос семантик майдонни вужудга келтирадиган кенг қамровли тушунчадир.

Beauty - ugliness ва joy - suffering концептларини ифодаловчи сўзларни интенсивликка муносабати бўйича *икки гуруҳга* ажратиш мумкин: а) ўз семантик структурасида интенсивлик семаси мавжуд бўлмаган сўзлар; б) ўз

семантик структурасида интенсивлик семаси мавжуд бўлган сўзлар. Интенсивлик семасига эга бўлмаган сўзлар нутқий зарурият туғилганда ўз маъноларини кучайтириш учун ташқи интенсификаторларни қабул қилади. Интенсивлик семасига эга бўлган сўзлар эса маъно кучайтиришни имплицит (яширин) ҳолда ифодалайди.

Интенсивлик ифодаловчи сўзлар турли структураларга (содда, ясама, қўшма сўзлик) эга ва бу ҳолатлар уларнинг семантикасига, интенсификатор танланишига таъсир қилади.

Интенсификаторлар, биринчи навбатда, "suffering" концептини, сўнг эса "joy" концептини ифодаловчи сўзлар маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Уларнинг қўлланиш даражалари бир хил эмас. Шу боис универсал интенсификаторларни белгилаш учун эҳтиёж туғилади. Бундан ташқари, бир сўзнинг маъносини кучайтириш учун бир неча интенсификатордан фойдаланиш ҳам мумкин.

Турли халқларнинг дунёни билишларидаги нисбийлиги ёки ўзига хослигининг бош сабаби объектив оламдаги нарса, ҳодисаларнинг ранг-баранг хусусиятларга эгалигидир. Ҳар бир халқ муайян нарсани унинг чегараланган белгилари (томонлари) асосида билишга ҳаракат қилади. Ушбу танланган белгилар эса турли халқларда турлича бўлиши мумкин.

Инглиз тилидаги интенсивликнинг ифодаланишида beauty - ugliness ва joy - suffering антонимик концептлари ўзига хос миллий-маданий хусусиятларга эга. Булар ичида beauty концептини ифодаладиган сўзлар ўз интенсивлигининг турли даражаларини флоризм ва осмон жисмларига қиёсан ифодалай олиши билан ажралиб туради. Зоосемизмларга қиёслаб кучайтириш ugliness концептида анча фаол. Ugliness ва suffering концептларини кучайтириб ифодалашда флоризмлар деярли учрамайди. Joy ва suffering концептларида ранг ифодаловчи сўзлар ва фраземаларнинг фаоллиги алоҳида ажралиб туради.

Интенсивликнинг турли концептуал-мазмуний майдонлар, иерарх семантик босқичлар, фонологик-грамматик соҳалар, функционал услублар, деривация ва трансформация жараёнлари кабиларда воқеланишини антропологистика тамойиллари бўйича ўрганиш ва шу асосларда маъно кучайиши ҳодисасининг хусусиятларини аниқлаш ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб масалаларидир.

Сўз маъноси интенсивлигини атрофлича, чуқур ўрганиш инглиз тили таълимининг сифатини оширишга ва талаба, магистр, тадқиқотчиларнинг илмий салоҳиятини оширишга самарали ёрдам беради.